Нутталлийлар организмнинг цон томирлари ва цон ишлайдиган органларига купроц зарар етказди, цоы- нинг цайтадан тикланиши, пироплазмоздагига Караганда секин кечади. Ни[^]оят, нутталлиа касалликдан тузал- ган отларнинг цонида узоц вацт (7 йилгача) сацланади. Касалликни Урта Осиёда асосан Nyalomma каналари, баъзан Rhipicerphalus ва Dermacentor авлодига кирувчи каналар тарцатади.

Белгилари. Нутталлиоз шиддатли ва сурункали ку- ринишда кечади. Шиддатли куриниши Урта Осиё шаро- тида купрок, учрайди. Бу куринишда касаллик белгилари отларнинг пироплазмоз касаллигида юз берадиган белгиларидан деярли фарц цилмайди. Аммо камцонлик кучлироц булади. Касалланган от уз'вацтида даволанмаса, касаллик 14—20 кунга чузилиши ва от 5[^]алок бу- лиши хавфи тугилади. Сурункали куринишдаги касал- ликнинг белгилари шиддатли куринишдагисига Караганда сустроц булади. Касаллик бир ой ва ундан ортиц чузилади.

Диагнози. Касалликнинг клиник белгиларига, пайдо Сулиш мавсумига, отларда каналарнинг топил иши га ва касалланган [^]айвон к^{онни}Д^а нутт-аллийларнинг борлиги- га караб аницланади.

Даволаш. Отларни нутталлиоздаи даволашда суль- фантрол, флавакридин, гемоспоридин, азидин каби хкмиявий препаратлар ишлатилади. Албатта, симптома- ткк дорилардан фойдаланиш лозим.

Гемоспоридин 0,0002 г/кг дозада олиниб, 2% ли эритма шаклида тери остига юборилади.

Флавакридии 0,003—0,004 г/кг дозада олиниб, фацат вена цон томирга юборилади. Бунинг учун физиологик эритмада 1 % ли эритма тайёрлаб юборилади. Азидин* дан 0,003—0,0035 г/кг олиниб, 7% ли эритма шаклида мускул орасига юборилади. Лозим топилса иккинчи куни такрор юбориш мумкин.

Профилактикаси ва ь,арши кураш тадбирлари. Нут* таллиозга ҳам худди отларнинг пироплазмозидида утка- зиладиган тадбирлар амалга оширилиши керак.

Куй ва эчкилар гтироплазмидозлари. Куй ва эчкилар пироплазмидозлари ^ам протозой касалликлар булиб, эндолглобуляр пигментсиз паразитлар томонидан цузгатилади. Буларга цуй ва эчки пироплазмозиди (цузгатувчиси *Piroplasma ovis*), бабезиоз (цузгатувчиси *Babesia ovis*), тейлериоз (цузгатувчиси *Theileria ovis*) ва *Th. re- condita*, шунингдек, анаплазмоз киради. Ушбу касалликлар Урта Осиё ва Закавказье республикалари ^амда СССРнинг бошца жанубий районларида тарцалган. Куй ва эчки пироплазмидозларидан бабезиоз билан пиро* плазмоз куп тарцалиб, хужаликка катта зарар келги- ради. Куй франсанллезиди камроц учраб, бирмунча енгил ;утадап. Куйлар купинча бир неча турдаги ироплазми-- дозлар билан бирданига касалланади.

Бундай арал'аш инвазиялар уз вацтида даволанмаса огир утиб, касалланган цуйларни улимга олиб ке- ладп.

Кузратувчилари. Куйларда учрайдиган ^амма турдаги пироплазмидийларнинг тузилиши цорамолларда учрайдиганларидан фарц цилмайди. Улар фацат мах-- суслиги билан фарц цилади.

Диагнози. Периферик цон томирларидан олинган биринчи томчи цондан тайёрлаиб буялган мазокларни микроскопнинг иммерсион системасида куриб, цузгатувчиларни топншга асослаиан ^олда аниқ,ла- нади. ■

Даволаш, Пироплазмидин билан гемоспоридиндан тери остига ёки мускул орасига юборилади, шунингдек, гемоспоридиннинг 50% ли эритмасидан 2—3 томчи куз* кинг конъюнктивасига юбориб ҳам даволаш мумкин, азидин, беринил ва наганинларни мускул орасига юбо- риш ҳам яхши натижа беради. Шунингдек, цуйларга 1 % ли нордон лимон киелотасининг натрийли тузида

тайёрланган 5% ли флавакридин эритмасидаи 0,5 мл (кузиларга), катта цуйларга 1,5 мл дозада мускул орасига юбориб даволанади. Наганидан цуйларнинг 1 кг тирик вазнига 0,03 граммдан олиниб, сувда тайёрланган 5% стерил эритма шаклида гушт орасига киритиш хам касалликнинг ривожланишни тухтатиб, цуйларни 20—25 сутка пироплазмидозлардан сацлайди. Куйларни анаплазмоз билан тейлериоздан тузатиш учун 4—5 кунгача терромицин ^амда биомициннинг натрийли тузи билан даволаш мацсадга мувофикдир. Х^амма пироплазмидоз-ларда албатта симптоматик дориларнинг ишлатилиши)^ам зарур.

Профилактикаси. К^уй ва эчкиларнинг пироплазми- дози билан курашиш учун ^айвон танасида, молхона ва яйловлардаги канани цириш, цуйларни кананинг имаго даври пайдо булгунча тогли, канаси йуц яйловга ^айдаш, >^амма цуйларга гемоспоридин, пироплазмин ёки беринил юбориб, профилактика цилиш маъкул. { \уй ва цорамол пироплазмидозларига карши химиявий профилактика таъсир кучини узайтириш мацсадида гемоспоридин (0,0005 г/кг) билан наганин (0,001 г/кг) нинг аралашмасини бирданига ишлатиш цулай булади. Бу- нинг учун аввало гемоспоридиндан 2% ли эритма тай- ёрланиб, сунгра унга керак микдордаги наганин цушиб 15 минут цайнатилади (эритма.тиниц рангда булиши керак).

Х,осил булган аралашма ^айвоннинг ^ар 100 кг тирик вазнига 2,5 мл дан териси остига ёки мускул орасига юборилади.

КОКЦИДИОЗЛАР

Куёнларнинг кокцидиози. К,уёнларнинг кокцидиози паторозой касалликлардан булиб, ичакда *Eimeria mag-* на, *Eimeria perforans* ва жигарда *Eimeria stiedae* каби бир неча турдаги концидийлар паразитлик цилиб **цуз-** райди. Касаллик клиник жи^атидан овцат >\$азм цилиш органлари функциясининг бузилиши, ичи кетиши ёки ичи цотиш, ичи димланиш, за^арланиш, камцонлик ва орицлаш билан характерланади.

Цузратувчининг ривожланиши. Кокцидийлар (ооцист- лари) овал шаклда булиб, узунлиги 20—25 ва эни 14— 21 микронга тенг. К,уёнлар спорозонтлари ривожланиб етишган ооцистларни озиц ёки сув билан бирга ютгани- да кокцидиоз билан касалланади. К,уёнларнинг ичагпга тушган ооцистлардан ажралиб чиццан спорозоитлар

эпителиал ^ужайраларга кириб, мураккаб йул билан (шизогония ва гаметогония усулида) купаяди. Гамета- лар, яъни эркак ва ургочи жинсий ^ужайралар цушилиб (копуляция) зигота хосил цилади. Янгидан ^осил булган ?^ар бир зигота парда билан уралаи, ооцистга ай- ланган ^олда ичак бушлигида утиб, экскретлар билан бирга ташци му^итга чицариб ташланади.

Намлик ва иссицлик етарли мицдорда булганида яй- довга тушган тезаклар ичида еоцистлар ривожланиб, икки- уч кундан кейин унинг ичида саккиз спорозонт ^о- сйл булади,

Белгилари. Кокцидиоз цуёнларнинг ичакларн, жигар ёки \ар иккала органини бирданига зарарлаши мумкин. Касаллик цуёнларнинг инвазияланган даражасига кура шиддатли ёки сурункали кечади. Унинг белгилари ?^ам- ма вацт аниц куринмайди. Касалликнинг бошланишида з^айвоннинг иштах.аси пасаяди, дармонсизланади, ичи кетади. Ич кетиши ич цотиши билан алмашинуви мумкин. Куёнларнинг ичакларида газ тупланади, ичак пардалари йугоилагади, цовуц сийдик билан тулади, цорни катталашади, цуён тез-тез сийганлигидан, унинг орца томони, орк,а оёцлари ифлосланади, куринадиган шил- лиц пардалари оцаради, цуён орицлайди, охири улади. Шиддатли куринишда кечганда касалликнинг белгилари аник; куринади ва у уч-олти кун (камдан-кам икки-уч ^афта) давом этади. Сурункали куринишда кечганда касаллик уч ойгача цузилиши мумкин. Куёнлар жуда орицлаб кетиб, 70% ^алок булади.

Патологоанатомик узгаришлар. Унчалик характерли булмайди. Куён ичакларининг, айницса, 12 бармоцли ичакнинг кенгайиб кетганлиги, унинг деворининг калин- лгшганлиги, ичакнинг газ билан тулганлиги, шиллиц парданинг оцарганлиги ва шиллиц модда билан цоп- ланганлиги ^амда нуцтасимон куринишда цон цуйил- ганлиги куринади. Касаллик сурункали утганда ичак шиллиц пардаси кулранг тусда булиб, унда жуда куп тарнц дони катталигидаги тугунчалар борлиги аницла- нади. Жигар жуда ^ам катталашади, унинг устки то- монида кулранг ёки оц тугарак шаклидаги жаро^атлар булади, ут йуллари кенгаяди.

Диагнози. Касалланган цуёнлар цорнининг шишиб кетиши, тез-тез сийиши, ичи кетиши ва патологоанатомик узгаришларига цараб аницланади. Аниц диагноз цуйиш учун касалланган цуённинг тезаги фюллеборг

узулида текшириб ооцистларнинг бор ёки йуцлиги микроскоп остида текширилади.

Даволаш. Кокцидиоз билан касалланган цуёнларни даволаш учун норсульфазолдан 0,3—0,4 г/кгдан олиб, 0,5—1% эритма шаклида 4—5 кунгача сув урнига ичириллади, йодни сув билан сутдаги аралашмасидан (2% сувдаги йод эритмаси 250 мл сутга аралаштириб циз* дирилади-да, ^осил булган аралашманинг х,ар бир 300 мл га 1800 мл сув цушиб) 7—14 кунгача ичирлади. Бунда з^ар бир цуён 250 мл дан аралашма ичади. Пе- нициллиндан ^ар бир цуёнга 12—15 минг (ЕД) бирликда ёки биомициндан 5—8 минг бирликда олиниб,

4— 5 кунгача озиц ёки сув билан берилади. Фу ранили 1 г олиниб, 5 литр цайноц сувда эритилади-да, ^ар куни 20—30 мл дан цуёнларга ичирилади. Уротропин- дан 0,2 г/кг дозада сув билан берилади.

Кокцидиоз билан касалланган куёнларни углеводлар бой булган озиц бериб бокканда у тезроц согайнши мумкин.

Профилактикаси ва царши кураш чоралари. Кокцидиознинг олдини олиш учун куёнчилик хужаликлари баланд ва цуруц жойларда ташкил этил-иши ^амда к,у- ёнлар алохида-алохида хоналарда боцилиши керак. Бу хоналарда ахлат тупланмаслиги учун уларнинг поли галвирсимон цилинади. К,уёнларнинг охур ва сув идиш- лари полдан юцориоцца урнатилиши лозим. Озиц за- паслари каламуш ва сичцонлар тега олмайди гап ало- хнда бинода сацланиши **керак.**

Куёнларнинг ахлати махсус гунгхоналарга чицариб ташланиши, ^ар бир цуёнга ёки бир неча цуён группа» сига тегишли асбоб-ускуналар (белкурак, супурги) беркитиб куйилиши, хоналар эса х,ар куни тозалаб ту- **рилиши** лозим. Бир-икки хафтада бир марта хоналар махсус аланга ёки цайноц сув билан дезинфекция цилиб турилиши керак. Куё^н НУР^и таъсирида кокцидийлар тезда улади. Шунинг учун ундан мумкин цадар купроц фойдаланиш лозим. Арпа, сули ва шунга ухшаш озиц- ларни цуёнларга беришдан олдин бир неча кун офтобга куйиш мацсадга мувофицдир. Битта она куёнга нккита катак ажратилиб, б'улардан бирида цуён ту р га н вақтда иккинчисига офтоб тушади. Куё^н болалари катталари- дан ажратиб сакланади. Хужаликка янги келтирилган куёнлар карантин ^олатда сацланиб, уларда кокцидпй ссцистлари бор ёки йуцлиги текшириб кур клади. Кари

ва куп мицдордаги кокцидий ооцистларини чицарадиган куёнлар йуцотилади,

1\уён \$ликларини асосан йуцотиш ёки итларга пи-« шириб бериш керак. Она цуёнларнинг елини >^ар сак- киз- ун кунда бир марта тазалаб ювилиши лозим. К,у^ ёнлар туйимли моддалари куп, сервитамин ва сертуз озиклар билан боцилганда каеалликка чидамлилиги ортади.

Цорамолларнинг кокцидиози. К,орамоллар кокцидиози протозой касалликлардан булиб, йугон ичакнинг шиллиц пардаларида паразитлик циладиган бир неча хил кокцидийлар томонидан цузгалади. Бу инвазия ^амма жойда кенг тарчалган. У билан асосан бузоцлар касаллаиб ^алок булиши кузатилади.

Кузгатувчисининг ривожланиши. 1\орамолларда 10 хил кокцидийлар паразитлик цилади. Улар ^алцасимон, овал, тухум шаклида, эллипс шаклида, ноксимон ёки цилиндрик курунишда булади. Ооцистларнинг каттали- ги ^ар хил булиб, узунлиги 18—45 никровдан ошмаиди. Кора моллар спорозоитлари ривожланиб етишган ооцист- ларни ташци му^итдаи сув ёки ем-хашак билан ютгаида кокцидиоз билан касалланади. Ичак бушлигига туш- ган ооцистлардан спорозоитлар ажралиб чициб, дар>;ол ичакнинг эпителиал ^ужайраларига кириб купая бош- лайди. Жинссиз купайишдан ^осил булган мерозоитлар янги/ зпнтелиал ^ужайраларга кириб яна купаяди. Ке- йинчалик жинссиз купайиши жиасий купайиши билан алмашади ва .ух-ил булган ©оцистлар ичак бушлигига тушиб, тезак билан ташци мухитга чицариб ташланади. Ташци мухитга тушган кора моллар вин г кокцидий оо- цистлари шароит кулай булганда, 2 кундан 17 кунгача споралар хоснл цилади.

Патологоанатомик узгаришлар. Куринадиган шил- лик пардалари оцаради, анусп ташцарига караб бур- тйб ту рад и, орца оёцлари, анус атрофн ва. дум и суюц тезак билан ифлослаиадн. Мезентериаль лимфа тугуилари катталашиб, цон томирлари конга т^лади. Й^гон ичак- даги тезакда цон аралашганлмги, унда цорамтир-цун- гир парда борлиги аницланади. РiугоН ичак катарал яллигланиб, уида жуда куп нуцтасимон цон цуйилиш- лар ва яралар борлиги куринади.

Диагнпзи. Касалликнинг клиник белтнларини цои аралаш ич кетиши, йугон ичакдпги характерли патоло- гоанатомик узгаришларни .^исобга олиб, тезак ва ичак

деворларидаги кокцидийларни микроскоп остида то-пишга асосланган.

Даволаш. Бузоцларни кокцидиоздан даволашда сульфазин, фталазол, фенотиазин, осарсол, аммоний хлорид, ихтарган, шунингдек, симпоманол дорилар (кофеин, аспирин, аспирин, глаубер тузи) ишлатилади. Сульфазин 0,02—0,1 г/кг, ёки фталазол 0,05—0,07 г/кг дозада кунига 2—3 мартадан 3—5 кунгача озиқ-эма билан берилади. Фенотиазин 0,4 г/кг дозада кунора уч марта эма билан берилади. Ихтарган хар бир бузоцга 1,0—1,5 граммдан кунига 2—3 марта 500 мл шилимшиц цайнат-мага аралаштириб берилади. Осарсолдан х^аР бир бузоцга 0,2—0,3 граммдан кунига уч марта 4—5 кунгача сутга аралаштириб бериш керак, аммоний хлориддан 3—5 ойлик бузоцларга 3,0—5,0 дозада 3—4 кунгача сут билан ичирилади. Вацтн-вацти билан 0,5% ли ихтарган, ихитол аммоний тузлари эритмаси ёки 0,1% трипансинь билан клизма цилиш лозим.

Профилактикаси ва царши кураш чоралари. Бузоцлар катта ёшдаги хайвонлардан ажратиб боцилади ва улар)^ар куни тозалаб турилади.)^ар етти-ун кунда молхо-надаги пол, деворлар, асбоб-ускуналар, анжомлар каустик соданинг цайноц сувдаги эритмаси билан ювиб, тозалаб турилади. Моллар яйратиладиган майдонга цум сепиб цуйилади. Касалланган бузоцлар ва катта ёшдаги цорамоллар алохида илгари мол хайдалмаган куруц яйловларда боцилади. Х^{овли} ва молхоналардаги гунг-лар тупланиб, биотермик усулда зарарсизлантирилади. Молларга кокцидийларнинг ооцистлари тушган кулмак сувлар ичирмасдан тоза, оцадиган сув берилиши керак.

1^уй ва эчкиларнинг кокцидиози. Куй ва эчкиларнинг кокцидиози ^ам протозой касалликлардан булиб, ^ар турли кокцидийларнинг ингичка ичак шиллиц пардасида паразитлик цилиши натижасида ривожланади. Касаллик бир ёшгача булган !\$зи ва улоцларда купроц уч-раб, огир ^тади.

К,узгатувчисининг ривожланиши билан касалликнинг эпизоотологияси худди цорамолларда учрайдиган кокцидийларникига ухшайди.

Белгилари. }^айвон танасининг ^арорати кутарилади, у орицлайди, бушашади, шиллиц пардалари цонсизла-нади, тезаги шиллиц ва цон аралаш булади, конъюнктивит, рахит касалликлари пайдо була бошлайди. Буйин мускуллари ва орца оёцлари тиришади.

Диагнози. Цорамолларнинг кокцидиози каби ани.ц* ланади. Патологоанатомик узгаришлар урганилганда, ингичка ичакнинг зарарланган цисмидан циринди олиб микроскоп остида ооцистларнинг бор-йуцлигини аниц- лаш тавсия цилинади.

Даволаш. Касал моллар отардан ажратилиб, енгил хазм буладиган витаминга бой озицлар билан таъмин- ланади. Дорилардан сульфадимезин ёки норсульфазол- дан **0,03—0,05** г/кгдан кунига икки марта уч кунгача берилади. Сунгра уч кундан кейин огиз орцали тетрациклин нистатин билан 100— 200 минг бирликда кунига уч марта **2—3** кунгача бериб борилади. Антибиотикдан **кейин** сульфадимезин ёки норсульфазол билан даволаш такрорланади. Шунингдек, **2— 3** ^афтагача ^ар бир цу* **знга 1** граммдан фенотиазин берса ^ам булади, уни **1 : 9** ^исобида туз билан бериш ^ам мумкин.

Профилактикаси ва царши кураш чоралари. Куй ва эчкиларни цирлардаги яйловларда утлатиш, уларга сифатли ем ва тоза сув бериш лозим. Ем-хашак тоза жойда ёки охурга солиб берилиши, хона яхшилаб тоза- ланиб турилиши керак. Касалликнинг олдини олиш мацеадида даволаш учун ишлатиладиган дорилардан бериб туриш тавсия цилинади.

Паррандаларнинг кокцидиози. Ку^{шлар}Р кокцидиози протозой касалликлардан булиб, у билан асосан жужа- лар касалланади. Касаллик цушларнинг олдинги ва камроц йурон ичак шиллиц парда ^ужайрасида пара* зитлик циладиган купгина кокцидийлар томонидан цуз* гатилади. Кокцидиоз цушларнинг айницеа жужаларнипг хавfli касалликларидан булиб, энзоотик куринишда кечиб ветеринария-санитария цоидаларига риоя цилма- ган хужаликларда икки-уч ойлик жужаларнинг улишига сабаб булади.

Цузгатувчисининг ривожланиши. Товуцларда ундан купроц кокцидийлар паразитлик цилади. Уларнинг оо- цистлари овал шаклда булиб, узунлиги **16—31** микрон ва эни **14—23** микронга етади. Спорозоитлари ривожлач ниб етишган ооцистларни сув ёки озиц билан ютган жужалар кокцидиоз билан инвазияланади. Ичак буш-* лигига тушган ооцистлардан спорозоитлар чициб, ичакнинг шиллиц парда ^ужайраларига киради ва у ерда шизогония ва гаметогония йули билан купаяди. Ке- йинчалик ^осил булган зигота (ооциста) эпителиал ^у- жайралардан ичак бушлигига тушиб, экстретлар билан

ташки му^итга чицариб ташланади. Жужалар инвазияланганидан кейин орадан урта ^исобда турт-етти кун 5лгач, экскрети билан ооцистларни ажратади. Шароит цулай булганида ташци му^итга тушган ооцистларнинг спораланиши (споруляция) бир-икки кун давом этиб, инвазион ооцистларга айланади.

Белгилари. Жужаларда касаллик купинча уткир формада кечиб, бир неча кундан икки-уч ^афтагача давом этади. Кокцидиоз касаллигида купинча ичак зарланади. Касалланган жужалар тудадан ажралиб ёлгиз юради, кам харакат килади, патлари эдфпаяди, цанотлари осилиб туради, ишта^аси пасаяди, тез-тез ташна булади, ичи кетади. Ахлати суюц булиб, унга купинча кон аралашган булади, орца тешик атрофидаги патлари цотиб, ахлатлари билан ифлосланади. Жужа орицлайди, усиши секинлашади, охири оёц ва цанотлари фалажланади. Касалланган жужаларнинг 50—70% и >^алок булади. Катта (4—6 ойлик) жужаларда ва товуцларда кокцидиоз касаллиги, ич кетиш, ориклаш, кам тухум цилиш, канот ва оёцларининг фалажланиши кяби холларнинг алмашиниши билаи утиб, улар камроц улади.

Патологоанатомик узгаришлар. Жужаларда паразитлик цилиб, касалликни цузгатаётган кокцидийларнинг турига боглиц. Кокцидиоздан улган жужа ёриб курилганда асосий патологоанатомик узгариш кур ичакда, камроц ингичка ичакда булади. Ичак деворлари ёрицца тутиб царалганда, унинг шиллиц пардаси цизарганлиги, баъзан купгина ярачалар борлиги ва оцариб турган жойлардаги тугунчаларни микроскоп остида текширганда ривожланишнинг турли даврларидаги кокцидийлар борлиги аницланади.

Диагноз. Касалликнинг клиник белгилари (говуцларнинг ичи кетиши, тезаги кон аралаш булиши ва хоказолар) ва ажратилган тезакни Фюллеборн усулида текшириб, ооцистларнинг бор ёки й^цлигига цараб цуч йилади. Одатда улган ж^жани ёриб, ундаги патологоанатомик узгаришларга ва шиллиц пардадаги тугунчалардан мазок тайёрлаб, микроскоп остида ооцистларнинг борлигини аницлаш клиник усулда цуйилган диагнознинг тугри эканлигини тасдицлайди.

Даволаш. Товуцларни кокцидиоздан даволашда кокцидин, зоалин, ампролмикс, шунингдек, фуразолидон, фурациллин, норсульфазол натрия, пенициллин, биоми

цин ва бошца преаратларнв ишлатиш мумкин, аммо олдинги учта кокцидиостатик препаратлардан фойда- ланиш яхши натижа беради.

Кокцидия (импорт цилинаётган зоалии аналоги) **ош-** чил порошок, парранда кокцидиозиди даволаш ва профилактика мацсадида ишлатилгаида яхши натижа беради. Даволаш учун товуцларнинг эрталабки емига аралаштириб, 5—7 кунгача бериш керак. Профилактика мацсадида у 10—15 кунлик жужаларда» бошлаб 50—60 кун ярим дозада (1 кг емга 0,12—0,15) бериб берилади.

Зоалин — кунгиини чет мамлакатларда, шунингдек, СССРда ам кбкдиДин каби кеНг ишлатилмоцда.

Ампролимкс майда, ош рангли порошок, унинг таркибида 25% ампролиум ва 75% жухори ёпишчоти бор. Даволаш дозаси товуцларга бериладиган 1 кг емга 1 г цушиб 3—5 кунгача узлукенз берилади, сунгра 1 кг ем-- га 0,5 г аралаштириб 14 кун едирилади. Профилактика мацеадида жужаларга 7—15 кунлик ёшидан бошлаб бир кг емга 0,5 г дан аралаштириб 50—60 кун едирилади.

Фуразолидон ар бир жужага 0,003—0,004 граммдан емга цушиб 3—5 кун едирилади.

Фурациллин ар бир жужага 0,005 грамм емга аралаштириб бир афта берилади.

Норсульфазол натрия 0,06 г/кг дозада олиниб, 0,25% сувдаги эритмаси 4—5 кун сув урнида ичирилади.

Пенициллин, ар 2 литр сувга 10000,0 бирликда аралаштириб ичирилади ёки еми **хулл а б** едирилади. Керак булса уч кун такрорлаш мумкин. 5 ар бош жужага ур- тача 2000 бирликда сарфланади.

Биомицин оралигини 5 кун цилиб — турт кунлик давлаш курсида ишлатилади. 600, 000 Е. Д. препарат 10 литр цайнатиб, совитилган сувда эритилади (2 таблет* ка), сув урнида ичирилади.

Профилактикаси ва царши кураш чоралари. Кокцидиоз касаллиги борлиги аницланган товуцчилик ферма- ларида амма товуцларни клиник текшириб, уч группа- га, яъни аниц касаллар, касаллиги гумон жужалар (иш- тахаси унча яхши булмаганлари) ва соглом группталар- га ажратилади. Касаллиги аниц булган товуцларни я.ч.чиси суйиш цулайроц. Касаллиги енгил ва касаллиги гумон булганлари даволанади. Учинчи соглом группага кирган товуцлар эса ало.аида ажратилиб, сифатли озиц- лар билан озода товуцхоналарда боцилади. Парранда-

хоналарнинг пол ва деворлари кунора яхшилаб тозаланиб, дезинвазия цилинади. Тушама сифатида цуруц цум ишлатилади. Охур, сув берадиган идиш ва бошца асбоб-ускуналар хар куни тозаланиб, цайчаб турган 5% ли £ода эритмасида юцумсизлантирилади-да, исснк сувда ювиб турилади. Паррандахона ва парранда ёйиладкган жойлардаги товуц тезаги тупланиб, гунгхоналарда юкумсизлантирилади. Нам ерда кокцидийлар яхши ривожланади. Шунинг учун жужаларни цурук жойда ас- раш, боциш кокцидион касаллигкнинг олдини олиш тадбирларидан бири хисобланади. Касаллигкнинг олдини олиш учун жужаларни товуцлардан ажратиб, алохида асраш керак. Чунки кокцидийлар купинча катта ёшли товуцлар оркали тарцалади. Парранда рациони сифатли булиши керак. Ригеккокцин порошогидан бир килограмм емга 500 миллиграммдан аралаштириб, уч кун давомида бериш хам яхши натижа беради. Кокцидиоз- кинг олдини олиш учун бир килограмм емга ригеккокцин порошогидан 125 миллиграмм аралаштириб, икки ойга- ча бериш, фенотязиндан фойдаланиш тавсия этилади. Фенотязин бир килограмм озицда 25 грамм ^исобидан а р а л а ш т и р и л а д и.

МАСТИГОФОРОЗЛАР

Туя ва отларнинг су-ару касаллиги. Су-ару (трипаносомоз) туя, от, хачир ва эшакларда учрайдиган сурункали кечадиган инвазион касаллик булиб, уни Тгурапо soma... деб аталадиган паразит цузгайди. Бу касаллик асосан Урта Осиёда купроц тарцалган. Узоц йилларгача касалликка царши махсус дори булмаганлигидан у чор- вачиликка катта зарар етказар эди.

Кузгатувчисининг ривожланиши. Трипаносомлар парма шаклда ва цилсимон хивчинлари булиб, узунлиги 25,1—26,5 микронга тенг. Трипаносомлар ^айвон цони- нинг зардобида паразитлик цилади ва ундаги озиц мод» далар билан озицланади. Улар за^арли моддада (**три**» панотоксин) чицариб, организмнинг ^амма аъзоларини, биринчи навбатда, нерв системасини за^арлайди. **Трипаносомлар** оддий, узунасига булиниб, 2,4 паразит ^**осил** цилиш йул и билан урчийдилар.

Белгилари. Касаллигкнинг яширин даври 12—20 кун давом этади. Касаллик шиддатли ва сурункали **куринишда** утади. Шиддатли утганда касалланган **туя та**

насининг \wedge арораги (39,5—40°) кутарилади, кейин пасайиб, нормал \wedge олатга келади, сунгра вацт-вацти билан кутарилиб туради. Туянинг ишта \wedge аси йуцолади, кавша- май цуяди, бушашади. Буйни лимфа тугунлари катта- лашиб, яккол куринадиган булиб цолади. Туя тез-тез ёгоцлайди, баъзан ичи кетиш \wedge оллари юз беради. Ку- зидан ёш оцади. Касаллик борган сари огирлашиб, охи- ри туя орицлаб улади. Хайвон уч-олти \wedge афта ичида ул- маса, касаллик сурункали куринишга утиб, куп ойларга чузилади. Касаллик сурункали равишда кечганда, унинг белгилари суст куринади, Бундан ташцари, хайвоннинг орца томони фалажланади ёки ярим фалажланади, ку- зпга оц тушади, жунй ялтираб турмайди.

Шиддатли касалланган отларнинг лаблари, лунжи, цулоцлари, жаг-и, ости, кукраги, жинсий органлари ши- шади, уларда тез-тез асабий холатлар юз бермайди (от калласи билан деворга суяниб туради ёки хаяжонлана- ди). Касаллик сурункали кечганда эса отнинг ишта \wedge аси яхшилигига ва яхши боцилишига царамай, орицлаб ке- тади. Туялардаги сингари куз пардасининг яллигланиши ва асабий \wedge одисалар руй беради. Отларда су-ару купинча турт- беш ойдан 1,5 йилгача чузиладиган сурункали куринишда учрайди. Касалликдан тузалган \wedge ай- вонларда инвазия узоц вацтларгача сацланади.

Патологоанатомик узгаришлар. Касалланиб улган туя ва от ёриб царалганда, унинг орицлаганлиги, кукрак ва цорин бушлигида зардоб суюцлиги борлиги, томоц ва лимфатик тугунларнинг катталашганлиги куринади, цони суюлади, шиллиц пардалари оцаради.

Диагнози. Касалликнинг узига хос белгиларига ва \wedge айвон ёриб царалганда кузга ташланадиган узгарипь ларга цараб аницланади. Касалликни лабораторияда аницлаш учун цулогидан озгина кесиб, предмет ойнага цон олинади ва ундан эзилган томчи ёки мазок тайёр- ланиб, микроскоп остида курилганда улик ёки харакат цилиб турган трипанозомларни куриш мумкин. Аммо бу паразитлар \wedge айвон цонидан вацти-вацти билан йуцолиб туриши мумкин. Буни эътиборга олиб, текшириш нати- жаси манфий булганда, текшириш такрорланиши керак. Касалликни касалланган \wedge айвон цонига формалин цу- шиб ёки бошца \wedge айвонларга юцтириш йули билан \wedge ам аницлаш мумкин.

Формалин ёрдамида реакция цуйганда пробиркадаги касал хайвон цонидан олинган бир миллиметр зардобга

-икки томчи 40% ли формалин томизилади, сунгра яхши- лаб аралаштиради-да, 24 соат 35—38° иссиқликдаги термостатга цуйилади. Агар аралашма цуюцлашиб, пробирка деворидан оцмаса, ^айвоннинг касаллигидан да- лолат беради. Хайвон касалликдан холи булса, аралашма цуюцлигича цолади ва осон тукилади. Албатта, формалин ёрдамида олинган мусбат натижа)^ам микро- скопик уеулда текшириб тасдицланиши керак.

Даволаш. Отларнинг тирик вазнига наганидан **0,01—0,15** г/кг ^исобида олиб, **10%** эритма куринишида венага юбориш лозим. Туяларга бирмунча каттароц дозада **0,06—0,07** г/кг юборилади. Шунингдек, фу- рациллиндан **0,1—0,5** г/кг дозада олиб, с.увда тайёрланган суспензия шаклида ичирилади ёки антрациддан 0,01 г/кг олиб, сувдаги суспензия куринишида тери остига юборилади.

^арши кураш чоралари. Туя ва отларни су-ару касаллигидан сацлаш учун уларни суналар куп булган яйловларга ва сув манбаларига чицариш керак эмас. Бундай жойлардан кечаси ёки салцин пайтларда, шунингдек, суна ва чивинлари цурцитадиган дорилар (ДДТ гексахлоран) суркалган ёпцичларни отларга ёпиб фойдаланиш мумкин. Касалликнинг олдини олишда ва уни йуцотишда мунтазам текшириб туриш, касалланган :хамда касаллик ташувчи туя ва отларни **У** вацтида ажратиб даволаш мухим тадбирлардан биридир. Текшириш ишларини цишда ва ёз уртасида утказиш мумкин. К^{он} сурувчи ^ашар^{отлар} пайдо булгунича касалланган ва касаллиги шуб>али ^айвонлар даволаниб, согайтирилган булишй керак. Касалланган туя ^амда отларни даволаш ва касалликнинг олдини олиш^и учун наганидан фойдаланилади. У отнинг ^^оР килограмм тирик вазнига 0,01 ва туяларга 0,035 граммдан олиниб, эритма шаклида цон юборилади. Наганин бир марта юборилганда 1,5 ойгача трипаносомоз^и юцмайди. Шу- нийг учун наганин мана шу муддат^иутиши билай-яна такрор юборилиши керак.

Отларни цочириш (случная болезнь) касаллиги. Бу бияларни кочир.иш вацтида жинснй оргаилар Ырцали юцадиган ва сурункали кечадиган инвазио^ии касаллик булиб, *Trypanosoma equiperdum* томонидан кузгатила- ди. Бу касаллик эшак ва хачирларда хам учрайди.

КУЗ ратувчиси. Бу трипанозомлар шакл жихатидан су- ару трипанозомига ухшаш булади. Аммо узининг

биологик хусусиятлари билан ундан фарц цилади. Бу паразитлар отнинг жинсий органларига кириб, шиллиц пардасида яшайди ва вацти-вацти билан цонга ^тишй мумкин. У шиллиц парда шираси ва ^айвоннинг цони билан озицланади. Узларидан захарли моддалар чица« риб, организмни зацарлайди ва отнинг халок булишнга сабаб булади.

Белгилари. Касалликнинг яширин даврп одатда икки уч ойга чузилади. Касалликни унинг. бел гил ар ига карг,б уч даврга булиш мумкин. Биринчи даврда айгирларда припуция, ёрроч халта ва жинсий аъзо, бияларда тига- ноц лаблари ва елин шишади. Жинсий аъзоларининг шиллиц пардасида кич и к яралар пайдо булади, улар тузалгаидан кейин урнида доглар цолади. Касалланган от тез-тез цийналиб сияди, жинсий хо>;иши одатдагидан кучли булади. Биринчи даврда касалликнинг бошца белгилари аниц куринмайди, дайвоннинг у мумий холати хам унчалик узгармайди. Иккинчи даврида х&йвоннинг терисида характерли узгаришлар юз беради. Огнинг кукрак, цорин ва сагрисида дор шаклида диаметри 4— 20 сантиметрли шишлар пайдо булади. Бу доглар ба- даннинг турли жойларига чициб, бир неча соатдан, купи билан бир суткадан сунг йуцолади ва бошка жой- га чицади. Учинчи даврда фалажлар пайдо булиши ха- рактерлидир. Масалаи, юз нерви фалажланиши нати- жасида цулоц, лаб ва тил осилиб, ^аракатеиз булиб цолади. Оёц нервлари фалажланса, от оцсайди, **ауФНр-** ларнинг ёрроц халтасида, бияларнинг тираноц лабларида ва елинида оц доглар пайдо булади. От ишта.\асннинг еацланишига царамай орицлайди, купинча ётоцлайди, урнидан цийналиб туради. Касалликнинг охирида отнинг бутун орца томони фалажланиб (шол булиб) улади.

Патологоанатомик узгаришлар. Касалланб улган от ёриб царалганда касалликка хос узгаришлар куринмайди, унинг фацат орицлаганлиги, юрак сарри мускул- ларида ва жигаридагина баъзи јзгаришлар куринади.

Диагнози. Клиник белгилари, жинсий аъзо шиллиц- ларидан тайёрланган мазок микроскоп остида к^здан кечирилади ва РСК усулида текшириб аницланади.

Даволаш. Кочириш касаллигидан даволаш учун от-- ларнинг тирик вазнига наганиндан 0,01—0,015 г/кг олиб, физиологик эритмада венага юборилади. 30—40 кундан кейин даволаш такрорланади. Кутилмагаи **ОФНр-** лашувларнинг олдини олиш учун даволашдан 1—2 кун

олдин ва даволангандан 7—10 кун утгач отларни куни-: га 2—3 марта уйнатиб, мацион бериш ма[^]садга муво- фи[^]. Касаллик такрорланган тавдирда даволаш учун новерсенол [^]ам ишлатилади. Бунда бир марта наганин, иккинчи марта новерсенол эритмаси юборилади. НOVERсенол 0,005 г/кг дозада олиниб, дистилланган сувда тайёрланган 10% стерил эритма шаклида (35—37°) венага юборилади.

Карши кураш чоралари. Касалликнинг олдини олиш учун аввало касалланган ёки касаллиги шуб[^]али отларни [^]очириш керак эмас. Янгидан олиб келинган отлар 20 кунгача [^]очирилмайди. Касаллик тар[^]алганлиги гумон [^]илинган хужаликдаги отлар мунтазам равишда текшириб турилади. Касалланган ва касаллиги шуб[^]али отлар соғломларидан ажратилади. Улар бир йилгача [^]очирилмайди. К^{оч}и^риш касаллигига 1[^]арши кураш чораларининг энг му[^]имлари отларни сун[^]ий усулда [^]очиришдир. Касалланган ва касаллиги шуб[^]али отлар наганин, новерсенол дорилари билан даволанади. Бу дорилар касалликнинг олдини олиш учун [^]ам [^]ар 1,5 ойда отлар цонига юбориб турилади.

Корамолларнинг трихомонози. К^орамолларнинг трихомонози протозой касалликларидан булиб, Trichomonas foetus деб аталувчи хивчинлилар томонидан цузга- тилади. Касалланган сигирлар бугозлигининг биринчи ярмида бола ташлайди, йулдошининг бачадонда узоц- ро^и[^] муддатда са[^]ланиши, жинсий аъзоларнинг яллигла-; ниши ва сигирлар цисир цолиши билан характерланади. Трихомоноз, асосан хайвонларни табиий цочириш вак- тида юцади. Шунингдек, ветеринария-санитария р^оида- ларига р^оя [^]илинмасдан [^]очириш вак,тида иплатила- диган асбоб- ускуналардан нотутри фойдаланилгандл [^]ам юцади. Трихомонадлар от ва чуч[^]аларнинг [^]ам жинсий аъзоларида учраб туради. Уларнинг махсус турлари одамларнинг х[^]ам жинсий органлари, сийдик пуфаги ва йугон ичакларида паразитлик к.илади. 1\атор турдаги трихомонадлар сут эмизувчилар, кушлар, балицлар, рептилийлар ва [^]атто [^]ашаротларда ҳам учрайди.

Кузгатувчининг ривожланиши. Кузгатувчи Trichomonas foetus сигирларнинг к;ин (вагина) ва бачадон шиллиц иардаларида, бу[^]аларнинг препуция халтаси ва таносил органларида жойлашиб, паразитлик цилади. Улар буйига [^]араб иккига булиниш йули билан купая* ди. **Трихомонадлар** [^]ар хил но[^]улай шароитинг таъ-

сиридан ^ажмини кичрайтириб, тезда таш^и курия-' шини узгартириш мумкин. Улар жинсий органлардагм шилли'цли ^ужайралар, микроб ва эритроцитларни юти» озицланади.

Белгилари. Сифатсиз ози^лар билан бо^илган ^ай-вонлар касалликка мойил булади ва трихомонадларнинг ривожланиши учун ^улай шароит яратилади. Буцалар-нинг сийдик ва жинсий йулларига ва сигирларнинг к;!?* нига утган трихомонадлар тезда купаяди ва яшаш даврида хосил булган кераксиз ма^сулотларни ажрата-ди. Паразитларнинг ва.улар томонидан ажратилган кераксиз ма.еул;пларшшг ма^аллий таъсиридан бир-ламчи патологик узгаришлар; специфик тугунли вагинит, -цёрвицит ва эндометрит ривожланади. Трихомонадлар бугоз сигирларнинг бачадонига унинг буйинча-си орк;али утиш ва^тида узи билан ^ар хил микробларнм олиб киради. Трихомонадлар ва у билан бирга кирган микроорганизмлар таъсирида бачадоцдаги бола улиб, мацерацияланади. Бачадонда бирмунча лойцасимон су-юцлик тупланади. Бир оз ва^тдан (1,5—3 ойдан) кейин бундай трихомоз билан касалланган сигир бола таш-лайди.

Сигирларда трихомознинг турт хили учрайди: 1) катарал йирингли вестиюлитовагинит, 2) катарал йиринг-ли эндометрит, 3) идиопатик трихомооозли тулиц бола ташлаш, 4) пиометра.

Сигирлар касалланган буцалар уруги билан уруF-лайтирилгандан кейин орадан бир-икки ^афта утгач, цин (вагина) нинг шиллиц ^атлами шишиб ^изаради. Сигир ор^асига ^арайверади. Бир-икки ^афтадан кейин сигирларнинг жинсий аъзоларпдан тугунча ва шиллиц аралашган суюклик оца бошлайди. К,ининг пастки ва, ён деворларида аввало майда тошмачалар, кейинро^ тари^ дони катталигидаги 1^атти^ тугунчалар пайдо булади. Бундай тугунчалар трихомонад ^иргачи деб ата-лади ва ^ин ^ул билан текширилганда ани^ сезилади. Шиддатли куринишдаги трихомоозли вагин уч-олти ^афта давом этиб, ^айвоннинг тузалиши ёки касалликнинг сурункали куринишга утиши билан тугайди. Ке-йиуроц патологик процесс бачадоннинг буйин ва узига тар^алади, катарал ёки йирингли эндаметрит ривожланади. Сигирлар бугозлигининг икки-учинчи ойида бола ташлайди. Айрим ва^тларда улган бузук; ^амда унинг парда ва йулдош бачадонда туриб 1^олади. Пио-

метра даврида сигирнинг сути жуда камаяди, куюкка- ынча утадиган муддат чузилиб кетади. Бухалар касалланганлигидан кейин бир-икки кун утгач, уларнинг препуция халтаси шишиб, жуда огрийди ва йиринг аралаш модда ажрала бошлайди. Таносил аъзосининг шиллиц пардасида майда кизил тугунчалар пайдо булади. Препуция халтаси ташцн каватининг цирраси яраланадн. Касалликнинг иккинчи хафтасидаи бошлаб клиник белгилари унчалик сезилмасдан йуцолиб боради. Аммо бухалар уруги билан касалликни соглом сигирларга юцтириши мумкин. Чунки трихомонадлар уругдоннинг цушимча цисмига утиб, уруцца кушилади.

Диагнози. Касалланган хайвоннинг клиник белгила- рн (вагинит, шиллиц аралаш йнрингнинг ажралиши, (угозликнинг биринчи ярмида бола ташлаш, - эндометрит, цисир цолиш ва хоказолар) хамда эпизоотологии Б'аълумотларни х,исобга олган холда жинсий аъзолар-)ian ажралаётган суюцликларни микроскоп остида текшириб аницланади. Трихомонадларни топиш учун цин на бачадондан ажралаётган секретларни, «аборт» ци- лингаи бузоцларнинг кукрак, цорин бушлиги ва ошкр- зонидан суюклик олинади. У 12 соат ичида текширили- ши керак. Текшириш учун предмет ойначага бир томчи шиллиц олиб, устидан ёпувчи ойна бияан бостирилади- да, сунгра 200— 600 марта катталаштириб курсатаднган, куриш майдони цоронрилаштирилган . микроскоп остида текширилади. Сигир ёки буца касалланган булса, ?^ара- катчан трихомонадлар топшши мумкин. Текшириш учун олинган шиллиц куюцлик кнлса, упга икки-уч >;ис- са физиологик эритма цушиб суюлтириш керак.

«Аборт» цилинган сигирдан олинган суюцликни ол^ дин центрифугада айлантрииб, ,\осил булган чукма текширилади. Шприц ёрдамида физиологик эритма пуркаб, бачадоннинг буйин ^исми, девори ва циниинг деворлари ювиб олинган суюцликнинг чуккан цисми текширилган- да, унда жуда куп трихомонадларнинг борлигини аниц- лаш мумкин.

Одатда ювинди Петр косачасига олинади. Шиллиц сигир уруглантририлгандан камида турт кун кейин, 8— 20 кун давомида текширилганда, унинг таркибида энг куп трихомонадлар топилади. Текшириш учуй буцалар- нинг препуция халтачаеининг шиллигини ёки препуция халтасини ювиб, ювинди олинади. Бунинг учун препуция халтачасига 5—10 миллилитр физиологик эритма юбо-

рқб, уч-турт минут у^аланади, сунгра мана шу 'ювиндй косачага олинйб, центрифугалантирилиб, ^осил булган чукиндидан тайёрланган препарат ^амда бу^аларнинг уруги микроскоп остида текширилади. Текшириш учун олинган уругга ун >^исса физиологик эритма цушиб су- юлтирилади ёки предмет ойначасига олинган бир томчи **уруҒга** сирка кислотаси (1:500) **билан** физиологии эритма аралашмасидан томизилади. Бу препаратда урур улиб ^аракатсизланади, аммо.. трихомонадлар эса уз ^аракатини давом эттиради. Трихомоноз билан касал- ланган деб гумон ^илинган ^айвонлардан трихомонадлар топилмаса, улар 1,5 ойгача ^ар саккиз-ун кунда бир марта такрор текширилади.

Трихомонадларнинг морфологоанатомик тузилишини темирли темотоксилин ёки геицианвиолетнинг сувдаги 1% ли эритмасида буялган препаратда урганиш мумкин.

Кррамоалларнинг трихомоноз касаллигини бруцеллез, вибриоз, ю^умли вагинит ва бонща шунга ухшаш касал-> ликлардан ажрата билиш лозим. Диагноз т^уйиш ва^ тида трийхомонознинг икки ва ундан купро^ ю^умли ка- сгллик билан бирга учраши мумкинлигини эеда тути- лади. Ю^умли фолликуляр вагинитда бу процесс купро^ тар^алади, сигир жуда безовталанади, ^иннинг тигано^ ■киеми шишганлиги ва унда тугунчалар борлиги куринади. Трихомоноз касаллигига эса майда-майда трихо- мйнад ^иргичи деб аталадиган тугунчалар асосан к;ин- нинг пастки 1^исми ва бачадоннинг буйин атрофида булади. Купинча сигирларнинг ташлаган боласи мецер-* ланган булиши мана шу касалликни бош^а сабаблардан буладиган «абортдан» ажратишга имкон беради. Три- хомонозга диагноз ^уйишда эпизоотологик маълумотлар билан серологик текшириш натижасининг а^амияти кзтта булса ^ам, микроскоп остида трихомонадларни, топиш яна ^ам тасди^ланади.

Даволаш. Клиник куринишига кура, цорамолларнинг трихияомонозини даволаи.1 учун ма^аллий ва умумий таъсир курсатадиган дорилар ишлатилади. Жинсий аъзони аммарганнинг 1:20000 дан 1:2500 мицдордаги эритмаси, йоднинг (1:500) сувдаги эритмаси ёки гли- церинда тайёрланган 8% ли ихтиол билан ювиш яхнщ натижа беради. Шунингдек, 0,25% и «К» совунининг эмульсияси, риванол (1 :1000), хинозол эритмаси, три- пафлавин (1 : 1000), фурацилин (1 :5000) ва бонща пре-*,

паратлар иссиц (40—45°C) эритма куринишида ишлатилади. Бачадон буйни очи[^] булган тацдирда, дезинфекция {^илувчи эритмалар цин ва бачадонга бирданига юборилиб даволанади. Даволаш курси оралигида трихомонадларни топиш учун яна текшириш керак. Такрор даволаш учун олдинги эритмалар ёки бошца бирорта фойдали препаратни ишлатиш мумкин. Трихомоноздан тузалиб кетган сигирларни ^ар уч кунда кунига бир мартадан текшириб турилади ва навбатдаги куюккан даврида яна такрор текширилиши шарт. Сунгги вацт- ларда ма^аллий даволаш билан бир ва^тда прозерин билан умумий даволаш тавсия этилган. Бунинг учун прозериннинг 0,5% ли сувдаги эритмаси 2 млн дай кун оралатиб уч марта тери остига юборилади, Даволаш курси 5 кундан кейин такрорланади. Бу препарат эритмаси бу^аларнинг препуция халтасига юборилиб, у ерда са^ланади ва халта массаж цилинади.

Даволаш курси

2— 3 х,афта давом этиб, кунора утказилади. Аввало букаларнинг препуция халтаси ювилиб, трихомонадларнинг бор ёки йуцлигини аницлаш учун ювинди олинади. Сунгра препуция бушлигига 2—3% ли сода эритмаси юборилади. Бу^алар 1,5 ойгача саккиз-ун кунда бир марта текшириб турилиши керак. Турт ойдан ортикроц касалланган буцаларни даволаш жуда ^ийин булади. Сигир ва буца етарли ми^дорда сервитами ва минерал моддаларга бой ози^лар билан бокилгандагина даволаш фойдали булади. Иложи борича сигирларнинг ту- хумдонидаги сари^ тана ёки «кисталарни» олиш керак. Сигирхона ва ундаги сую^ликлар о^адиган арицчалар* ни 3—5% ли креолин ёки лизол эмульцияси билан дезинвазия цилинади.

Карши кураш чоралари. Трихомоноз борлиги аницланган хужаликда цорамоллар туртта: касаллиги ани^ моллар, касаллиги гумон, касалликнинг юаданлиги гумон ва соглом группаларга булинади.

Касалланган ани^ группага трихомонадлар топил- гйн ва касалликнинг клиник белгилари булган (трихо- монозли вагинит, цервицит, «аборт» ^илинган) ^айвон- лар киритилади. Бу моллар даволаниб, касалликнинг клиник белгилари йук;олгандан кейин соглом урутлар билан суный уруглантирилиши мумкин.

Касаллиги гумон группага касалликнинг ноани^ белгилари булган ва трихомоноз билан касалланган бук,алардан ^очган сигирлар киритилади, Булар **ци** даво-

л&нгандан кейин сунъий усулда соглом буцалар уруФН билан урурлантирилади. Трихомонознинг клиник белгилари булмаган, аммо касалланган буцалардан цочирил- ган сигир ва гунажинлар. учинчи, касалликнинг юццан- лиги гумон группага киритилади. Улар олти ойгача ветеринария ходимлари назоратида булиб, тугиши нор- мал утгандан кейин циндан олинган шиллин микроскоп остида текширилганда, трихомонадларнинг йуцлигн акицланса соглом группадаги молларга цушилади.

Трихомоноз билан зарарланган буцалар цочиришга цупилмасдан дар. ^ол даволаниши керак. Сунгра 1,5 ойгача Х.ар сиккиз-ун кунда бир марта улардан олинган уруг ва препуция ювиндиси текшириб, трихомонадлар бор ёки. йуцлиги аницлаб турилади. Трихомонадлар то- пилмаган буцаларнинг уруги билан беш-унта сигир цо- чиради. Крчирилган сигирлар 15 кунгача назорат остида булади ва кунора уларнинг циндан ажралган шиллиц микроскоп остида текширилади. Юцорида кур- сатилган мураккаб текширишлардан кейин трихомонадлар топилмаса, уларни трихомоноз билан касалланма- ган, деб ^исоблаш мумкин.

Молхона ва ^овлиларни, айницса сийдик ва бошца суцклик тупланадиган цуцурларни 20% ли янги сунди- рилган охак билан дезинвазия цилинади. Хужаликда трихомоноз касаллиги тулиц йуцолгунича аниц, касаллиги гумон ва касалликнинг юццанлиги гумон ^айвонлар хужаликдан тапцарига чицарилмайди. Улар керак бул- ганида гуштга топширилиши мумкин.

Трихомоноз булган хужаликда чорвадорлар билан су^батлар утказилнб, касалликнинг мо^ияти тушунти- рилиши керак. Моллар сервитамин, минерал моддалари куп озиц билан боцилиши лозим. Хужаликда трихомоноз тугатилгунича сигир ва гунажинлар сунъий цочи- рилади. Айримлари гинекологлик жи^атдан текширилади: цочириш ва туриш журналлари текширилади ва ^оказо. Трихомоноз касаллиги тарцалмаган хужаликлар- да четдан келтирилган цорамоллар 30 кун карантинда, сацланиб, яхшилаб текширилади, сунгра цочиришга рухсат этилади. Яйловдаги соглом молларнинг номаъ- лум буцалар билан дуч келишига йул цуйиш керак. эмас.

Чуццаларнинг балантидиози. Чуццаларнинг баланти- диози — протозой касаллик булиб, ёш ч^ццаларда ошцо- зон-ичак тракти функциясининг бузилиши билан харак- терланади, унинг цузгатувчиси инфузория, бир хужай-

ради паразитлар *Balantidium coli*, *Balantidium suis* ^необланади.

Цузеатувчисининг морфологияси. Балантидий коли ва Б суис узун, цатор жойлашган тукчалар билан цоилаи-* гаи ва овал формадаги паразитлар булади, уларнинг узунлиги 47—120 микрон, кенглиги эса 27—85 микрон. Касалланган чуччаларда балантидийлар хажми инвазия ташувчи чуччалардагига цараганда кич их булади.

Чуччалардан бошца *B. Coli* одамларда ,\ам пара* зитлик цилади. Балантидийларнинг бошца хиллари к.уйлар, кемирувчилар, цушлар, баликлар, амфибий ва ^ашаротларда учрайди.

Чуччаларда балантидий йугои ичакда паразитлик килади, баъзан улар ингичка ичак либеркун безлари ва лимфа тугунларндан топилади. Яшаш шароитига цараб уларни кескин патогенлик хоссасини эгаллаган туцима паразита формасига ва ичак бушлигида яшаб, цолдиц оi-цатлар билан озицланувчи комменсал формасига бу- линади.

Цузглтувчисининг биологияси. Чуччаларнинг ичак- лирида балантидийлар кундалаагига булиниб купаяди, уларнинг куртаклиниб купайиши тукрисадаги курсатма- лар >^ам бор, аммо бундай купайиш балантидийлар учун исцулай булган шароитларда учрайди.

Патоген паразитлар эритроцитлар, л-ейкоцитлар ва ялллюншиш экссудатларн билан, уларнинг комменсал формаси эса бактериялар, замбуруглар, крахмал дона- чалари ва озиц цолдицлари билан озицланади. Улар ичакларда юмалоцланиши ва цалин парда билан цоп-> линиши .-мумкин. Бундай пардага уралган, яъни инци- стирланган балантидийлар тезак билан ташки му^итга чгцарилади ва узоц вацт (10 кун ва ундан ортиц) сац- л;'надн. Цисталарнинг диаметри 58—88 микрон атрофи- да булади. Чуччаларнинг зарарланиши алиментар, яъни балантидийларнинг цисталари билан ифлосланган сув ва озицларни ютиб юборганда руй беради. Касалланган чучца болалари балантидийларнинг ^аракатчан форма- сини тез ажратади, улар ташци му^итда ^-ам инцистир- ланади. Одамлар орасида балантидиознинг тарцалиши- да зарарланган чуччалар катта роль уйнайди.

Балантидийлар уларга от зардоби ва гуруч крахмали кушилган сунъий озиц му^итнда усади. Улар асосан РН-7-7,2 даги «юррак мухити» да ва 37—38° темперагу- рада яхши купаяди.

Патогенези. Чучцаларнинг брганизмига балантидий--ларнинг патогенли таъсири туррисидаги масала ,\озирча V'-л цилинмаган. Баъзи бир хужаликларда ^айвонлар балантидиозни ташувчи куринишда учраса, бошка ху>^;^ликларда эса касаллик бирданига авж олиб кетади. Купчилик >^;олларда бу инвазиянинг симптомсиз, ташув- 41) формаси устунлик цилади. Баъзи бир цайвонларда, ^ас^осан сутдан ажралиш даврида резистентлиг» пасай- ган чучца болаларида балантидийлар OFnp касаллик— балантидий дизентериясини цузрайди. Бунда паразитлар туцйма, ичак деворлари ичига, безлар орасига ва безлаэ ичига, шиллиц ости ва мускул цаватларига чуцур кириб кетади. Натижада ичакларнинг шиллиц пардаси некрозга учрайди. Шиллиц парда безлари цалинлашади вг* гиперемияланади. Зарарланган туцималар пиринг* ланади. Яралар купинча сероз цатламгача тешиб кн- ради. Балантидийларнинг патогенли хоссаси ошцозон ва ичакларнинг катарал яллиглаишиинг кучайиши билая яна хам ортади. OFnp ^олларда процесс ^айвоннинг ули- ми билан тугалланади. Йугои ичак, асосан кур ва тегарчак ичакларни ёриб курганда шиллиц пардалари- нинг цалинлашиши, куп шиллиц ёки казеоз, сариц кул- рангли фасод (налёт) билан цопланиши, жуда куп нуц- тали ёки йул-йул цон цуйилиши, иухатдан ёнгоцдекгача катталикидаги яралар борлиги аницланади. Мезентериал лимфа тугунлар катталашади, шишади ва купинча ге- моррогия ^олатида булади.

Клиник белгилари. Касаллик асосан 2—2,5 ойлик чучца болаларида кузатилади ва икки: уткир **ва** сурункали куринишида учрайди. Инкубацион (яишрин) даври 5— 16 кунга чузилади.

Диагнози. Янги тезакдан тайёрланган мазокларна ёки чучца болалари улимининг биринчи соатларидан. кейин (улганидан кейин орадан 6 соат утгач баланти- дийларни топиб булмайди) уликни ёриб, ичак шиллиц пардаларининг зарарланган участкаларидаи олинган. цириндиларини микроскоп остида текшириб диагноз цуйилади. Чучца болаларининг тезагини текшириш учуа тезак иссиц физиологик эритмага цушилади ва буялма-* ган (нативний) мазок тайёрланади. Микроскоп та гида харакатчип формаларв цидирилади. Бунда инвазияла- ниш даражаси ва балантидийлар формаси ^исобга олинади. Циста куринишдаги айрим экземплярлари топил- са, касаллик эмас, балтаг балантидий ташувчилик туF-

рисид гапириш мумкин. Тезакдаги цисталзрни циди* ришни осонлаштириш учун мазок люгол эритмасига- буялади. Одатда улик цисталар буёцни цабул цилиб буялади, тириклари эса буялмасдан j/z рангини сацлаб цолади.

Давоси. Касалликнинг бошлангич босцичида чучца болаларига люгол эритмаси сут билан берилади (100 мл люгол эритмаси 1 л иссиц сутга аралаштирилади). Аралашма лойдан ясалган ёки чинни идишларга цуйи- лади ва чучца болаларига ичириладиган сув билан берилади. Чучца болаларини осарсол, ятрен, эметин ^ам- да ятрен билан осарсолни алмаштириб даволаганда деярли яхши натижаларга эришилади. Осарсол 1 кг вазнга 0,03 граммдан, бир кунда икки мартадан уч сутка кетма-кет берилади. Зарур булганида осарсол билан даволаш курси такрорланади. Ятредан 1 кг вазнга 0,05 грамм цисобидан берилади. Препаратни клизма шаклида юбориш хам мумкин. Осарсол ^амда ятрен билан олти кун даволаш мумкин. Бунинг учун дгстлабки уч кун осарсол, кейинги уч кунда эса ятрен берилади.

Шу билан бир вацтда чучца болаларига ацидафи- лин бериш тавсия цилинади.

Царши кураш чоралари. Балантидиозга царши ку- рашиш учун тезакни биометрик усулда зарарсизланти- рпш йули билан ташци муцитдаги инвазион элемент- лярни йуцотиш, станоклар, сайр майдонларини цунт билан механик тозалаш, юцори температурали пропан-бу- Тс'Н олови билан дезинвазия цилиш, касалланган чучца болаларини айириб цуйиш ва даволаш, уларни асрашда зоотехник ва зоогигиеник шароитлари яхшилашдан иборат комплекс профилактик тадбирлар ишлаб чицил- ган.

Рационларга витаминли озицлар киритилади, касалланган цайвонлар етарли мицдорда сут, сули сума- лаги (кисель) ва ^ар хил бутцалар билан озицланти- рилади. Ёзда чучцалар лагерларда асралиши лозим. Улар учун бинолар цуруц булиши керак.

Паррандаларнинг **спирохетози** (Борелиози). Спиро^ хетоз бир цужайрали организмлар цузгайдиган инвазион касалликдир. Касаллик асосан товуц ва гозларда учрайди. Бу касаллик илиц ицлимли мамлакатларда, шунингдек, Узбекистонда 5^ам тарцалган булиб, парран- дачиликка катта зиён келтиради, --- -

Цузратувчисининг ривожланиши. Свирахетозни цай-вснларда спирохота галлипарум цузгайди. Касаллик шиддатли кечиб, йилнинг иссиц фаслларида учрайди. Свирахета ипсимон, спиралга ухшаш буралган, жуда майда организмдир. Свирахетани халц орасида товуц каиаси, тову^ кандаласи деб аталадиган *Аргас перси- кус* ва айрим фикрларга кура, *Дерманиссум авнут* тар- катади. Бу каналар узининг барча ривожланиш бос* кичларида уй ва ёввойи паррандаларнинг цонини суриб яшайди. Катта каналар ва нимфалар ёрурликдан цур- кади, кундузи бекиниб ётади. ГТаррандаларга кечаси эджум цилади. Личинкалари, аксинча, ёрурликдан цурк- майди ва купинча паррандаларга ёпишиб, кундузи цон суради. Каналар парранданинг тожи, буйни, сони, ца- нотларининг таги ва орца тешиги атрофига ёпишиб олади, Каналар касалланган паррандаларнинг кони би^ лан бирга спирохетларни хам суриб олиб, иккинчи сор- лом паррандаларга ёпишганда уларга касаллик юцти- ради. Каналар узоц вацт, масалан, личинкалари 8 ойга-* ча, нимфалари 1,5 йилгача ва катта каналар 5 йилгача оч яшай олади.

Клиник белгилари. Касалланган парранда танаси-* нинг царораги кугарилиб, 4-3° ва ундан цам ошади. Парранданинг ишта^аси бурилади, ташна булади, патлари хурпаяди, тожи сиргаси ва шиллиц пардалари оцаради, кейин кукимтир, цизриш рангга киради. Касалланган товуцлар бурчакка бориб туради ёки ётади. ОФНр касалланган тову^ларнинг боши эгилиб, цанот ва думи осилив туради, жуда орицлаб кетади, камцонлик пайдо булади, ичи кетиши бошланади, ахлати кукимтир булади. Касалликнинг охирида тананинг царорати пасая-* ди, парранда бутунлай заифлашади ва томирлари тортишиб, 3—5 кун ичида улади. Тузалиб кетиш цол- лари жуда кам учрайди.

Сугориладиган зонада. Кузи ва улоцлар январь ойида, катта ёшдаги моллар эса икки марта, яъни биринчи марта (цамма мол) куз фаслининг бошлаишида (сентябрь ойида) ва иккинчи марта касалланган ориц цуйларни ажратиб олиб, цузилаш каМпаниясидан сунг гельминтсизлантирилади.

Сапро-яйловли зонада. КУ^{3И} ва улоцлар биринчи марта октябрь ва иккинчи марта январь ойида дорилантирилади. Катта ёшли цуйлар бир марта цузилаш кампаниясидан кейин гельминтсизлантирилади.

Тоғ олди ва тоғ зоналарда. Кузи ва улоцлар биринчи марта октябрь ва иккинчи марта январь ойида дориланади. Катта ёшдаги цуйлар (даммаси) биринчи март.ч январь ва иккинчи марта йилнинг ёзги фаслида гельминтсизлантирилади.

Куй ва эчкилар буностомози. Буностомоз — куп тарцалган гельминтозлардан бири булиб, *Bunostomum trigonocephalum* ва *Bunostomum phlebotomum* томонидан цузгатилади. Буностомлар цуй ва эчкиларнинг ингичка ичакларида паразитлик цилади. У «Ўзбекисто» территориясида кенг тарцалган, айница тоғ этагидаги районларда йилнинг цамма фаслларида куп учрайди ва бу ердаги молларнинг 80 процентдан купроги касалланиб, жамоат чорвачилигига каттаицтисодийзарар келтиради.

Цузгатувчилари. *Bunostomum trigonocephalum* бирмунча йирик нематод булиб, ичида иккита ярим ойсимон кесувчи пластинка билан таъминланган, воронка шаклидаги огиз капсуласи пастки томонига цараб цийшайган. Эркаларининг узунлиги 12—17 мм. Ургочилари 20—25 мм. *Bunostomum phlebotomum* эркаларининг узунлиги 10—12 мм, ургочилари 16—19 мм.

Кузгатувчиларининг ривожланиши. Буностомлар айрим жинсли нематод булиб, анвонларнинг ингичка ичакларида яшайди. Ургочилари уруглангандан сунг яшаётган жойларда минг-минглаб тухум цуяди. Бу тухумлар г.айвон тезаги билан ташци муцитга чицариб

ташланади. К,улай шароитга тушган тухумнинг ичида (иссицлик, намлик ва цаво етарли булганда) личинкалар пайдо булиб, улар 1—3 кундан кейин тухум пус- тидан чициб, уз ривожланишини давом эттиради. Личинка бир цанча вацт ичида икки марта пус ташлаганидан кейин инвазион личинкаларга айланади. Буностомум личинкалар цул утларда миграция цилиш цобилиятига эга.

Мол организмига буностомлар икки йул билан киради. Биринчидан мол инвазион личинкаларни ут ёки сув билан ютиб юборади, пккйнчидан. личинкалар актив ха- ракат ёрдаида ва огиз кесувчи пластинкаларининг иштирокида мол терисини тешиб киради. Биринчисига ца- раганда иккинчи йул билан зарарланиш купроц учрайди.

-Биринчи йул билан огиз бушлигига тушган инвазион личинкалар огиз бушлирининг шиллиц пардасини тешиб цон томирларига утади. Кон оцими билан упкага, у ердан иккинчи марта огиз бушлигига бориб, ницоят, ютиб юборилган личинка ингичка ичакка келади. Буностом личинкалари иккинчи йул билан юццанда, улар терини тешиб, тери остига, цон томирларига кириб, цон оцими билан упкага келади. Нафас йуллари ичидан огиз бушлигига тушади ва цайта ютиб юборганда ингичка ичакка келади. Ингичка ичакда жойлашиб, 53—71 кунда жинсий вояга етган эркак ва ургочи буностомларга айланади. Ургочи буностомлар уруглангандан кейин яна тухум ажрата бошлайди. Гельмиитнинг ривожланиши шу усулда такрорланади.

Клиник белгилари. Касал мол орицлайди, лох,ас булади. Кузи ва улоцлар усишдан орцада цолади, ичи кетади, тезаги цон аралаш булади, цони камаяди, шиллиц пардалари оцаради, тананинг пастки цисмларига цон суюцликлари шимилиб, шишлар х;осил булади, ницоят мол цолдан кетиб, касалланган цузи ва улоцларнинг 60—80 процента улади.

Диагнози. Касаллик моллар тирик вацтида буностомум тухумини лаборатория усулида устириш натижасида пайдо булган инвазион личинкаларнинг тузилишига цараб аницланади. Улгандан кейин эса молларни ёриб кургандаги узгаришларга, ингичка ичакдаги буносто- мумлар мицдорига цараб тасдицланади.

Даволаш. Касал молларни даволаш учун турт хлорли углерод ва фенотиазин ишлатилади. Дори цар бир цузи учун 1^—2 мл, катта цуйларга 3 мл мицдорда олинади. Дори берилгандан кейин сурги ичирилади.

фенотиазин. дайвонинг 1 кг вазнига 1 —1,5 г дан аталага душибёки сув билан ичирилади.

Царши кураш чоралари ва профилактикаси. Бунос[^] томонинг олдини олиш учун аввало молларни бодиш ва парвариш дилиш шароитларини яхшилаш зарур. Мол данча бадувват булса, касалликка шунча чидамли булади.

Касалликнинг асосий манбаи мол гунги дисобланади. Шунинг учун дуйхоналарни дар куни тозалаш керак. Тезакни биотермик усулда юдумсизлантириш ва гунгни махсус гунгхоналарга ёки махсус тайёрланган чудур- ларга туплаш лозим.

Молларни сугориш ва бодиш гигиенасига датъий риюя дилиш зарур.

Буностомум личинкалари ташди мудитда 10—11 кунда ривожланади. Шу сабабли куйларни дар бир яйловда шу муддатдан ортид тутмаслик керак. Касаллик тар- далган хужаликларда, яйлов етишмаслиги сабабли яй,- ловни алмаштириб туриш имкони булмаса, молларга фенотиазин ош тузи аралашмаси берилади.

Буностомозга дарши профилактик тадбирлар дамда даволаш мадсадида утказиладиган гельминтсизлантириш ишлари яйлов зоналарига боғлид.

Дашт яйловли зонада дузи ва улодлар декабрь ойида, катта ёшли касалланган моллар дочиришдан олдин, октябрь ойида гельминтсизлантирилади. Тор олди ва то? зоналарида дузи ва улодлар апрель ойида катта дуйлар ичидан касаллари (хурдалари) ажратиб олиниб, сентябрь ойида гельминтсизлантирилади.

Шундай дилиб профилактик гельминтсизлантириш ёз ва куз фаслларида утказилади.

Цуй ва эчкилар хабертиози. Хабертиозлар дам бошда гельминтозлар каби к[^]п таркалган касалликдир. iБу касалликни *Chabertia ovina* дузгайди. Харбертий дуй, эчки, дорамол, бури, лан, тур ва бошда дайвонларнинг йуғон ичакларида паразитлик дилади.

Бу касаллик Узбекистоннинг дамма зоналарида кенг тардалган булиб, республикамиздаги дуйларнинг тахминан 68 процента касалланиб, катта идтисодий зарар келтирмодда.

Цузгатувчиси. Хабертий бирмунча катта од-сарид рангли нематод булиб, танасининг олдинги томонида дийшид кесилган думалод шаклдаги отз капсуласи билан таъминланган.

...

Паразитнинг оғиз капсуласй орца томонга **цайрид-** ганлиги, олдинги циррадари икки цатор **уч бурчакли** уткир кучли усимталар билан цуролланганлиги **харак-** терли белгиларидан дисобланади.

Эркакларининг узунлиги 14—18 мм, уррочилариники 14—25 мм. Овал шаклли тухумларининг узунлиги 0,10—0,13 мм, эни 0,04—0,05 мм.

Цузгатувчининг ривожланиши. **Хабертийлар йутой** ичакларда паразитлик цилади. Бу ерда жинсий **вояга** етган ургочи хабертийлар тухумларини ичак бушлигига цуяди. Улар цуйган тухумлар **^айвон** тезагига **аралаш-** ган цолда ташци муцитга тушади. Ташци му[^]итга тушган тухумнинг ичида личинка ривожланиб, 38—40 **соатдан** сунг тухум пустини ёриб чицади. Личинкалар яна **икки** марта пуст ташлаб (тезакдан ажраган кундан бошлаб), 5—7 кундан кейин учинчи инвазион даврига **айланади**. Бу инвазион личинкаларни **^айвонлар** ем-хашак ёки **суя** билан бирга ютади. Шундай цилиб, **^айвон** организмга тушган личинкалар йугон ичакка бориб жойлашади. 30—60 кун утгач, жинсий вояга етган, ургочи ва **эркаж** хабертийларга айланади ва тухум цуя бошлайди.

Клиник белгилари. Касалликнинг бошида **ичакларда** уткир, кейинчалик сурункали катарал **яллигланишлар** юз беради. Бу процесс таъсиридан цайвоннинг тана тем- перагураси кутарилади. Ичи ярим суюц **^олда шиллиц;** цон аралаш утади. НаТфас олиши ва юрак уриши **тезла-** шади. Хабертиоз билан касалланган моллар орицлайди, шиллиц пардалари оцаради, ёш моллар **усиш ва ривож-** ланишдан орцада цолади. Молнинг иштацаси пасайиб, ташналиги ортади, ичагида хабертийлар куп **булганда** касаллик белгилари яна цам аницроц куринади.

Диагнози. Хабертиоз касаллиги молнинг тирик даврида хабертийларнинг инвазион личинкаларини **лаборатория** усулида ривожлантириб ёки молга клизма **цуйиб,** гельминтларни ювиб чицариш йули билан аницланади. Улган молни ёриб курганда йугон ичакдаги **^згаришларга** ва унда жуда куп хабертийлар борлигига цараб **касал-** ликлар аниц диагноз цуйилади.

Даволаш. Дитерезинни **^айвоннинг** 1 кг вазнига 0,5 о дан **^улланган** кепакка ёки бошца емга цушиб едириш яхши натижа беради. Шунингдек, **^айвоннинг** 1 кг вазнига 0.5 фенотиазинни икки марта кун оралатиб **бериш** цам мз[^]садга мувофицдир. Нилвермни 10—15 мг/кг дан оғиз орцали бериш мумкин.

Oi-ир касалланган куйларни тезроқ даволаш мақса- дида хар бир цуйга 1 — 1,5 литр 1 процентли формалин эритмаси клизма цилинади.

Карши кураш чоралари ва профилактик тадбирлар. Хабертиоз касалининг олдини олиш учун ам гемонхоз ва буностомоз касалликларига царши утказиладиган умумий ветеринария-санитария ва зоогигиеник тадбир- „парни бажариш керак. Касалликнинг огир кечишини ва цуйларнинг алок булишининг олдини олиш мақсадида касаллик хавfli хужаликларда планли равишда гел- минтсизлантириш утказиб турилиши керак. Сугорилади- ган зонада цузилар январь ойида, дашт-яйлов зонада эса январь ойининг охирида гелминтсизлантирилади. Катта цуйлар эса танлаб («хурда»лар), цуй цочириш кампаниясидан олдин дориланади. Тог олди ва тог зонада цамма ёшдаги цуйларни бир марта январь ойида гелминтсизлантириш етарлидир.

Кавшовчи моллар эзофагостомози. Кавшовчи моллар- ла учрайдиган эзофагостомоз кенг тарцалган гелминтоз Оулиб, иематодлардан: *Oesophagostomum radiatum*, *oesophagostomum Kenulosum*, *O. columbianum* кузгайди. Корамолларда уч турнинг цаммаси учрайди, аммо *O. radiatum* купроц булади. Куй ва эчкиларда эса икки тури: *O. venulosum* ва *O. columbianum* паразитлик цилади. Эзофагостомозлар асосан йугон ичакда паразитлик цилади, аммо ингичка ичакда цам булиши мумкин.

Юцорида айтилган моллардан ташцари, *O. radiatum* зебу ва цутосларда,, цолган икки тури: *O. Venulosum* ва *O. columbianum* туя, лан, муфлон, буш ва бошца ёввойи дайвонларда паразитлик цилади.

Эзофагостомлар билан касалланган молларнинг ичакларида тугунчалар ривожланади, булар колбаса тайёрлаш учун яроцсиз цисобланиб, ицтисодий зарар келтиради.

Цузгатувчиси. *Oesophagostomum columbianum* бирмунча йирик, суг рангли нематода, уларнинг бош томони х.алцасимон капсула билан таъминланган, эни буйидан узунроц. Капсула цатор радиал жойлашган тишчалар билан цуролланган (корона), кутикуляр, цулоцчалари **пастки** томондан жуяк цосил цилиб, танадан бирмунча **ажралиб** туради. Эркаклари 12—14 мм, ургочилари 15— **18 мм** узунликда. Тухумлари эллипс шаклда булиб, юп- **ца пуст билан** уралган. *Oesophagostomum Uenulosum* **олдинги** паразитдан танасининг узунлиги (16—20 мм)

билан фарк цилади. *Oesophagostomum radiatum* цуйн- даги белгилари билан характерланади. Эркакларининг тана узунлиги 14—16 мм, урочилариники 17—20 мм. Сир-ши тишчалари (корона) булмайди.

Кузратувчиларининг ривожланиши. Эзофагостомлар йугон ичакларда паразитлик цилади, урурлангандан кейин ургочилари тухум цуяди. Тухумлари цайвон тезаги билан ташци муцитга тушади. Ташци муцитда 10—17 соатдан кейин тухумдан ривожланган личинка чицади ва икки марта пуст ташлаб, 7—8 кундан сунг инвазион даврига ривожланиб етади.

Инвазион личинкаларни цайвонлар асосан яйловда 5 тлаб юрган пайтда ва сув ичганда юцтиради. Айвон организмда цамма цузратувчиларининг ривожланиши >сар хил булади.

О. Venulosum НННг инвазион личинкалари ингичка ичакка тушгандан сунг, унинг шиллиц пардасига кириб, бир суткадан кейин яна ичак бушлигига чицади ва йугон ичакка цараб царакат цилади цамда цайвон зарарлангандаи кейин орадан 24—30 кун утгач, йугон ичакда жинсий вояга етган эркак ва урочи эзофагостомлар пайдо булади.

Колган икки хил эзофагостомларнинг инвазион личинкалари цам ингичка ичакка етгандан сунг унинг шиллиц пардасига киради. Личинкаларнинг бир цисми пар- дага уралиб (инцистирланган), цолган цисми йугон ичак деворида тугунчалар цосил цилади. Тахминан 3 кундан кейин личинкалар узлари уралган парда (цист) ва тугунчалардан чициб, ичак бушлигига тушадилар, айримлари эса парда ва тугунчаларда узоц муддат (йил давомида) яшайди цамда царакатчанлик, яъни ичак буш- лигнга цайтиб чициш цобилиятини йуцотмайди.

Юцорида айтганимиздек, ичида личинкалари булган тугунчалар бузоцларнинг цам тегарчак ва куричаклари- да ривожланиши мумкин. Тугунчаларни ташлаб чиццан эзофагостом личинкалари ичак бушлигига тушиб, 32— 43 кунда жинсий жицатдан вояга етади.

Клиник белгилари. Касаллик *шиддатли* ва *сурункали* даврга булинади. Личинкалар ичак шиллиц парда ичига кирганида шиддатли даври бошланади. Жинсий етилган эзофагостомлар паразитлик цилиш даврида сурун[^] кали **Даврга** айланади. Шиддатли даври цайвоннинг ич кетиши, цоринда орриц пайдо булиши, думларини сил- китиши, орца оёцларини чузиши, инграши, тез-тез ций-

налиб сийиши, баъзан тана температурасининг кутарилиши билан характерланади. Ҳайвоннинг иштацаси йуцолади, озади, цорнини босиб курганда орриц борлиги билинади, шиллиц пардалар оцаради. Ич кетиш цайвон- ни жуда орицлатиб, цатто улимга олиб келади. Касалликнинг сурункали даври цайвоннинг дам ич кетиши, дам ич цотиши билан утади. Бошца аломатлар аниц ку- ринмайди.

Диагнози. Касал цайвон тирик вацтида инвазион личинкаларни лаборатория усулида ривожлантириб аницланади. Касалланиб улган цайвон ёриб курилгач, характерли патолого-анатомик узгариш ва эзофагостомлар борлиги цамда ичакдаги тугунчаларга цараб аниц диагноз цуйилади.

Даволаш. Куйларни даволашда 1 кг вазнига 0,5 г з¹исобидан фенотиазин юбориш яхши натижа беради. Бундан ташцари 1 процентли формалин эритмаси билан клизма цилиш мумкин. Шунингдек, нилверм ва мебен- вет ишлатилади.

Царши кураш чоралари ва профилактикаси. Эзофагостомоз касалининг олдини олиш учун гемонхоз ва буностомоз касалликларига царши утказиладиган кураш чоралари цулланиладн.

Чучца эзофагостомози. Чучца эзофагостомози кенг, тарцалган гельминтоз касаллик булиб, 6 хил нематодлар томонидан цузралади. Шундан икки тури: *Oesophagostomum dentatum* ва *Oesophagostomum longicaudatum* СССРда тарцалган.

Эзофагостомлар жинсий вояга етган даврида ичак бушлирида яшайди, уларнинг личинкалари эса ичак деворларида паразитлик цилиб, характерли тугунчалар Ҳосил цилади. Шунинг учун цам касаллик икки хил, личинкалар цузгаганда шиддатли, вояга етган гельминтлар цузгаганда эса сурункали куринишда кечади.

Цузратувчилари. *Oesophagostomum dentatum* бирмунча кичкина нематод булиб, бош томони, кутикуляр пуфак (кулоцча) билан уралиб, пастки томонидан кун- далангига жуяк булиб ажралиб туради. Ofh3 капсуласи цилиндр шаклида, икки цатор радиал жойлашган уткир учбурчак шаклидаги хитинлашган усимталар билан уралган.

Эркаklarининг узунлиги 8,8 мм, ургочилари 7,5— 13,4 мм. Дум томони бирмунча цузилган ва бигиз шак- яида уткир уч билан тугайди.

Тухумлари овал шаклида рангсиз булиб, юпца парда билан уралган, узунлиги 0,06—0,08 мм, эни 0,035— 0,045 мм, ичида 6—18 бластомера жойлашган. Ургочилари 8,0—11,6 мм, эркаклари 7,8—9,6 мм. Тухумлари овал шаклида булиб, узунлиги 0,063—0,072 мм ва эни 0,027—0,036 мм.

Кузгатувчини ривожланиши. Иккала турдаги ч[^]цца эзофагостомлари цам йугон ичакда паразитлик цилади. Уругланган ургочи эзофагостомлар ч[^]цца ичагига тухум цуяди, тухумлари тезач билан ташци муцитга тушиб, цулай шароитда иссицлпк (12—30°) ва намлик етарли булганда бир неча соатдан Сунг царакатчан личинка ривожланиб етилади. Етилган личинкалар 1—5 суткадан кейин тухум ичидан чициб, тахминан 7—8 кунда икки марта пуст ташлаб, инвазион личинкага айланади. Чучцалар ем-хашак, сув билан инвазион личинкаларни ютиб, эзофагостомоз билан касалланади. Овцат цазм цилиш органларига тушган инвазион личинкалар актив равишда йугон ичак деворининг шиллиц пардасига кириб, 48 соатдан кейин тугунчалар [^]осил цилиб, шу ту- гунча ичида 23 кун яшайди. Сунгра ичак бушлигига чицади. Личинкалар тугунчалардан чиццандан 15 кун утгач жинсий вояга етган, ургочи ва эркак эзофагос- томларга айланади. Ургочилари уругланиб, яна тухум цуя бошлайди. Эзофагостомлар чучца ичагида тахминан 8—10 ой яшагандан сунг тезак билан чициб кетади. Узбекистан чуччачилик х[^]жаликларидидаги чучцалар [^]ртача 28,2 процент зарарланган.

Хайвоннинг ёшига цараб, 2 ойгача булган чучца болалари 3,5 процент, 2—4 ойликлари 12,5 процент, 4—6 ойликлари 25,4 процент, 6—8 ойликлари 43,9 процент ва 8 ойликдан катта чучцалар 55,8 процент касалланган.

Эзофагостомознинг энг юцори тарцалиш даражаси (44,8 процент) куз ойларида, энг ками эса бацор ойла- рига (22,3 процент) тугри келади.

Клиник белгилари. Касалликнинг шиддатли ва сурункали даврлари фарц цилинади.

Сурункали кечганда касалликнинг клиник белгилари сезилмайди. Шиддатли даврида эзофагостомларнинг личинкалари йугон ичак шиллиц пардасига кириб, унинг жароцатланишидан бошланади. Чучцаларнинг иштацаси булмайди, ичи кетади, ярим суюц ва суюц цонли ва шиллиц аралаш тезаклайди. [^]айвон орицлаб, цони камаяди, цорнини ушлаганда огриц борлиги билинади.

Айрим вацтларда йугон ичакда цосил булган йирингли тугунчалар ёрилиб, цорин бушлигига утиши па цорин бушлигидаги парданинг яллигланишдан тана темиерату-раси кутарилиши мумкин. Эзофагостомлар жинсий вояга етгандан кейин клиник белгилари секин-аста йуцолади ва касаллик сурункали даврига киради. Бундай чучцалар эзофагостомоз касалини тарцатишда асосий манба хисобланади, чунки у цар куни бир неча минг эзофагос- том тухумларини ажратиб туради.

Диагнози. Чучца тирик давргда тезагини Фюллебори усулида текшириб, эзофагоск.лум тухумларини топиб аницланади. Чучца тезаги билан ажралиб чиццан эзо- фагостомларни оддий куз билан куриб аниц диагноз цуйилади. ЭзофагостоМознинг шиддатли даврида диагноз цуйиш жуда цийин, чунки касалликнинг бу даврида учрайдиган белгилари бошца купгина касалликларда ам учраб туради.

Даволаш. Личинка даврида эзофагостомларни цай- дайдиган дори цозирча топилган эмас. Фацат жинсий вояга етган эзофагостомларни цайдаш учун пиперазин тузлари, нилверм ва хлородос, бенацил ишлатилади. Пиперазин икки кун давомида цайвоннинг 1 кг вазнига **0,3** г дан озиц билан берилади ва **15—20** кундан кейин яна такрорланади. Нилверм **10—15** мг/кг емга аралаштириб икки марта (эрталаб ва кечцурун), хлорофос **0,025—0,1** г/кг (**80** АДВ цисобида), бенацил **0,2** г/кг дан эрталаб ва кечцурун емга аралаштириб икки кун берилганда мацсадга мувофицдир.

Карши кураш чоралари ва профилактик тадбирлар аскаридозга царши утказиладиган тадбирлардан иборат.

Роз амидостомози. Амидостомоз гозларнинг гельминтоз касалликларидан бири булиб, *Amidostomum onse- rig* томонидан цузгатилади. У гозларнинг мускули ва ошцозон кутикуласи остида жойлашади: касаллик купинча касалланган паррандаларнинг нобуд булиши билан характерланиб, асосан ёш царрандаларда энзоотик формада утади.

Цузгатувчиси. Тагида учта тиши булган косача- **симон** огиз капсуласи билан таъминланган кичик нематода.

Эркакларининг узунлиги **9,6—14,0** мм, иккита тенг спикулалари **0,30—0,35** мм узунликда. Рулегнинг узунлиги **0,12—0,14** мм.

m

Уррочиларининг узунлиги 15,6—21,3 мм. Бачадони- пинг узунлиги 0,10—0,11 мм, эни 0,05—0,07 мм. Овал шаклидаги майда тухумлар билан тула булади.

Кузратувчисининг ривожланиши. Ургочилари цуш- лар ошқозонига тухум цуяди, улар кейинчалик ахлат билан ташқарига чиқариб ташланади. Оптимал температура (23°) ва намликда бир суткадан кейин тухум ичида личинкалар шаклланади, личинкалар 5—6 кунда тухум ичида икки марта туллаб, узининг инвазиои даврга етади-да, сунг ташқи мухитга чиқади. Инвазиои личинкалар жуда қаракатчан, улар қар хил утларга урмалаб чиқади ва гозлар озиқ қамда сув билан бирга ютиб юборганда юцади, -Гозларнинг овқат қазм қилиш -органига тушгач, личинкалар, беш кун давомида безли ошқозонда тухтаб қолиб, ундан кейин мускулли ошқо- зоннинг остқи шиллиқ пардасига тешиб қиради ва 17— 22 кундан сунг жинсий жиқатдан етилади.

Амидостомозга қарши қураш. Розларни ёппасига паррандахоналарда турган даврида гелминтсизлантири- лиш билан хужаликдаги амидостомозни қарқараф қилиш мумкин. Ундан ташқари, утган мавсумда қатта гозлар ёйилмаган сайр . майдонларда ёш гозларни ажратилган қолда парқариш қилиш амидостомознинг олдини олишга имқон беради. Амидостомоз билан қурашда бундай чо- ралар амалга оширилмаган қолларда паррандалар учун яйловларни мунтазам равишда қар 5—6 кунда алмаш- тириш ва вақти- вақти билан гелминтсизлантириш қерак.

Чуқца метастронгилёзи. Метастронгилёз қенг тар- талган гелминтоз қасаллик булиб, у билан асосан ёш чуқцалар қасалланади. Қасалланган чуқцалар ориқлайди, айрим вақтларда алок булади. Хужаликка қатта иқтисодий зарар қелтиради. Қасаллик нематодлар *Me- tastrongylus elonqatus*, *Metastrongylus pudendotectus* ва *Metastrongylus salmi* томонидан қузғалади.

Метастронгилюслар чуқца бронхларида, купроқ упқа- нинг орқа ва юқори қисмида паразитлик қилади.

Метастронгилёз Ўзбекистон шароитида қарқат ёввойи чуқцаларда учрайди. Улар тақминан 60—70 процент зарарланган. Уй чуқцаларида қозирча айрим хужаликлар- дагина руйқатга олинган.

Кузратувчилари. *Metastrongylus elonqatus* узунқоқ, ипсимои ингичка гелминт.

Эрқакларининг узунлиги 12—26 мм. Ургочиларники

20—51 мм. Тухумлари овал шаклида булиб, пусти ногекис, гадир-будур. Тухумининг узунлиги 0,040—0,054 мм, эни 0,032—0,044 мм. Ичида ривожланган личинкаси бор. *Metastrongylus pudedotectus* олдинги паразитдан спикулаларининг тузилиши ва тухумининг бирмунча каттароқлиги билан фарқ цилади. *Metastrongylus salmi* узининг тузилиши жицатидан *Metastrongylus elangatus*НН эслатади. Аммо спикулалари бирмунча калтароқ.

Цузгатувчиларнинг ривожланиши. Метастронгилюс-лар оралиц хужайин — ёмгир чувалчангининг иштирокида ривожланади. Ургочи метастронгилидлар **чучца** бронхларига тухум цуяди. Бу ерга цуйилган **тухум нафас** йулидаги цилпилловчи эпителий царакати **ва цай-**воннинг йуталишидаги царакат таъсирида балгам **билан** аралашиб огиз бушлигига тушади. Чучцалар **балгам** билан аралашган метастронгилид тухумларини ютади. Ичида личинкаси булган метастронгилид тухумлари **цеч** ^згармай цамма овцат цазм цилиш органларидан утиб, тезак билан ташци муцитга чицариб ташланади. Бундай тухумлар намлиги етарли муцитга тушса, куп вацтгача яшаш цобилиятини йуцотмайди.

Метастронгилюснинг тухум ва личинкалари ёмгир чувалчанги томонидан ютилганда цизил унгачи деворига ёки унинг цон томирларига кириб, бу ерда икки марта пуст ташлаб, 10—20 кунда узининг инвазион даврига етади.

Чучца танасида инвазион личинкаси булган ёмгир чувалчангларини ютганда метастронгилёз билан зарарланади. Овцат цазм цилиш органларига тушган ёмгир чувалчанглари цазм булиб, ажралиб чиццан личинкалар аввало ичак деворларини тешиб, чарви, лимфа тугунлари ва лимфа томирлари орцали кичик цон айланиш системаси буйлаб упкага келади. Упкага келган личинкалар дарцол цон томирлар капилярларини тешиб, альвеола бронхиолаларга утади-да, сунгра катта бронхларга келиб, жинсий вояга етган эркак ва ургочи метастрон-гилидларга айланади.

Бундай инвазион личинкалари булган ёмгир чувалчангини чучцалар ютган вацтдан бошлаб то упкада жинсиуё вояга етган метастронгилид етилгунга цадар 25—35 ёуй, тулиц тухумдан — тухумгача ривожланиш учун, эса 35-55 кун утади.

Клиник белгилари. Метастронгилёз билан касалланган цайвоннинг нафас олиши тезлашиб, цаттиц везику-

ляр типда булади. Хайвон хириллайди, йуталади. Кур*и иадиган шиллиц пардалари окаради. Айрим вацтларда тана темнстратураси кутарилади. Иштахаси булмайди, озиб кетади, Метастронгилёз учун цон таркибидаги эози-нофил мицдорининг купайиб кетиши (айрим вацтларда 21 процентгача) цам характерли цисобланади.

Диагнози. Касалланган цайвоннинг клиник белгила-рини цисобга олган цолда, чучца тезагини Шчребовнч усулида текшириб, характерли метастронгилюс тухуми ларини топиш йули билан диагноз цуйилади.

Хайвон улгандан кейин ёриб курилгач, упкада булади га н метасронгилёзга характерли узгаришларни ва унинг цузгатувчиларини топгач, бирмунча аницоц диагноз цуйилади.

Метастронгилёзни даволаш учун цайвоннинг 1 кв тирик вазнига 4 мл дитрезин-фосфатнинг 25 процентли эритмаси ишлатилади.

Кейинги вацтда пиперазин сульфат тузининг 50 процентли эритмаси чучцанинг тирик вазнига 0,6 мл дав, нилверм 10—20 мг/кг дан эритма шаклида тери остига юбориш тавсия этилган.

Царши кураш тадбирлари. Метастронгилёз билан кураш тадбирлари профилактик гелминтсизлантиришни уз вацтида утказишга асосланган.

Чучцахона цар куни тозаланиб, тезаклар чицарилади ва гунг биотерик усулда зарарсизлантирилади. Чучцахона ёруг, оцланган, тахта полли ва цоказолар билан жицозланган булиши керак.

Куй ва эчкилар диктиокаулёзи. Куйлардаги диктио-каул.ёз касаллиги жуда кенг тарцалган касаллик булиб, *Dictyoscaulus filaria* томонидан цузгатилади. КУ^{зрат}Увчи ^айвоннинг бронх ва кекирдаклариди паразитлик цилади. *Dictyoscaulus filaria* цуйлардан ташцари эчки, муфлон, архар, туя ва бугиларнинг нафас йулларида цэме паразитлик цилади.

Диктиокаулэз СССРнинг жанубий ва шимолий зона-лариди жойлашган хужаликларда, шу жумладан Узбе- к и стон да цам учрайди, у айрим йиллари энзоотик формада тарцалиб, цуйлар цалок булади, зарарланган куа- узоц вацт касалланади, семирмайди, жун ва гушт мацсу- лотининг сифати пасаяди.

Кузгатувчиси. Диктиокаулэз ингичка ипсимон сут рангдаги нематод булиб, эркакларининг узунлиги 3—■ 8 см, ургочи лари пинг узунлиги 5—15 см. Овал шаклида-

ги тухумлари 0,12—0,13X0,09 мм, ичида ривожланган личинкаси бор.

Цузгатувчисининг ривожланиши. Вояга етган диктиокаулюслар бронх ва кекирдакда паразитлик цилади. Ургочилари уруглангандан сунг бронх ва кекирдак бушлигига тухум цуяди. Ушбу тухум цайвоннинг йуталиши натижасида балгам билан огиз бушлигига тушиб, цайвон томонидан ютиб юборилади. Овцат цазм цилиш органидан ута туриб йугон ичак бушлигида тухумлардан личинкалар ажралиб чицади ва тезак билан аралашиб ташци муцитга чицариб ташланади. Икки марта пуст ташлаб, тахминан 10 кун ичида учинчи инвазион дав- рига айланади.

Инвазион личинкаларни цайвонлар ем-хашак ёки сув билан бирга ютиб, диктиокаулёз касаллиги билан зарарланади. Хайвон ичагига тушгандан кейин личинкалар ингичка ичак шиллиц парда деворини тешиб, лимфа тугунларида ривожланади цамда охирги марта пуст ташлаб, лимфа томирлари ва у орцали цонга утади. Кон оцими билан упкага келган личинкалар, упка цон томирлари ва паренхимасини тешиб бронхларга утади, у ерда ривожланишини давом эттиради ва 29—42 кунда жинсий вояга етган эркак ва ургочи диктиокаулюсларга айланади.

Клиник белгилари. Касалликнинг илк бошланишида хайвон зарарлангандан кейин 15—20 кун утгач, йутал пайдо булади. Аввало айрим цуйлар йуталади, сунгра секин-аста йуталадиган молларнинг сони купая боради. Йутал асосан кечцурун, тунда ва яйловда югуриб юрган пайтда тутади. Йутал кучли давом этиб, цайвон хирил- лайди, одатда цайвоннинг **иссиги** кутарилмайди, **фацат** кучли инвазияланган пайтда 41° га кутарилиши мумкин. Бурнидан зардобли шиллиц оцади ва бурун атрофида цотиб, пустлоц цосил цилади. Бундай вацтларда цайвон- **нинг** бурни цичийди, пишциради, бурни билан цашинади. Кейинчалик цайвоннинг бошида, лабларида, жар орала- риди, курак ва оёцларида шишлар пайдо булади. Касал цуй урнидан зурга туради ва цаддан ташцари ориц- лашдан улади. Кучсиз инвазияланган цуйларда эса касаллик белгилари сезилмай яширин кечади. Ташци к[^]ринишдан бундай цайвонлар соглом куринади; аммо **уларнинг** мацсулдорлиги камаяди, инвазия манбаи булиб **хизмат** цилади.

Диагнози. Бир вацтда жуда куп цайвонларнинг йута-

лиши, бурун тешикларидан шпллйцли зарбдор (сероз)' суюцлик оциш каби белгиларига асосланиб диагноз цуйилади ва улган Цайвонни ёриб, упка бронхларида диктиокаулюслар топилиши билан тасдицланади.

Катга ёшдаги цуй ва эчкилар учун 12—18 мл, бир ёшдагиларга 10 мл, бир ёшгача булганларга 5—8 мл'даи упканинг чап ва унг томонига юборилади.

Диктиокаулёзни даволашда дитразии цам яхши **на** тижга беради. Дори цуй ва эчкиларга 0,3—0,4 мг/кг дай кукуй холнда берилади ёки молнинг 1 кг тирик вазниг*.

0, 1 дан олиб, дистилланган ёки цайнатилган сувда 1:5 цисобида эритиб, тери остига юборилади. Даволаш **мац**, садида дитразин эритмаси цар 12—24 соатда икки **марта**, профилактик мацсадда эса бир марта берилади ёкк, тери остига юборилади. Шунингдек, нильверм цам 10—■ 15 мг/кг дозада ишлатилганда яхши натижа беради.

Карши кураш чоралари ва профилактикаси. Профилактик тадбирлар яйловларни, сув манбаларини, цутон атрофларидаги молларни диктиокаулюснинг **инвазион** личинкалари билан зарарланишнинг олдини олишдан иборат. Бунинг учун яйловлардан тугри фойдаланиш, уни тез-тез алмаштириш, молларни сугоришни **яхши** ташкил этиш, цутон ва цуйхоналарни тоза сацлзган **цол**- да зоогигиеник цоидаларига катъий риюя цилиш **за-** РУР-

Яйловлардаги профилактика. Яйловлари етарли булган хужаликларда яйловларни участкаларга булиб, **цар** бир участкада 6 кундан ортиц мол боцмаслик **ва бу** участкага йил давомида цайтиб келмаслик керак.

Уз б еки стон шароитида даволаш ва профилактик гельминтсизлантиришни цуйидагн муддатларда утказиш тавсия цилинади.

Сугориладиган зонада цузилар январь ойида, **катта** цуйлар цузилаш кампаниясидан кейин, фацат ориц «хурда»лар июнь ойида иккинчи марта гельминтсизлантирилади.

Дашт яйловли зонада цузилар Март ойида, **катта** цуйлар январь ойида, ориц цуйлар — «хурда»лар **алоци-** да олиниб, март ойида иккинчи марта гельминтсизлантирилади.

ТОҒ олди зонасида цузилар йил давомида икки **марта**, январь ва март ойларида, катта цуйларни **январь** ёки апрель ойида бир марта гельминтсизлантириш **етар-** лидер.

Цуй ва эчкилар мюллериози. Куй ва эчкилар мюллериози сурункали касаллик булиб, Mullerius capillaris томонидан цузгалади. Бу паразит альвеола, бронхиола ва майда бронхларда яшайди. Мюллериоз билан асосан цуй ва эчкилар, ёввойи кавшовчи цайвонлардан муфлон, безоар, эчкилар, ёввойи тоф эчкиси ва бизонлар касалланади.

Кузгатувчиси. К^зратувчиси мюллерийлар цисобланади. Эркакларининг узунлиги 11—26 мм. Ургочиларининг узунлиги 18—30 мм. Тухуми жигар рангда, узунлиги 0,084—0,104 мм ва эни 0,028—0,040 мм.

Кузгатувчининг ривожланиши. Ургочилари упкага тухум цуяди, улардан личинкалар чицади. Личинкалар нафас йулларидан огиз бушлигига келади ва югилади, сунг ичакка тушиб, кейин ахлат билан бирга ташци му- ^итга чицариб ташланади. Личинкалар бундан кейинги ривожланиши учун оралиц хужайинга муцтож булади. Мюллерийлар учун цуруцликда ва цисман сувда цаёт кечирувчи куп сонли молюскалар оралиц хужайин цисобланади. Оралиц хужайин — молюскалар ут ва ах- латда урмалаган вацтда мюллерий личинкалари билан зарарланади. Личинкалар молюскалар танасида 30—40 кундан кейин инвазион даврга етади. Инвазион личинкалар молюска танасидан чициб, утларда урмалаб юра- ди ва молюска организмида цолади.

Куй ва эчкилар инвазион личинкали молюскаларни ютиб юборганда ёки личинкалар билан ифлосланган ут- ларни ейиши натижасида моллериоз билан касалланади. Личинкалар овцат цазм цилиш органига тушгандан 2—5 кун утгач, мезентериал лимфа тугунларга, у ердан кукрак лимфа йулига, ковак венасига, унг юракка ва кичик цон айланиш системаси орцали упкага тушади. Личинкалар ютилгач, 5—6 кунда ^пкага етиб келади. У ерда учинчи ва туртинчи марта туллагандан сунг (2—2,5 ой- да) жинсий жицатдан вояга етади.

Клиник белгилари. Мюллериоз билан касалланган цузи ва улоцларда йутал пайдо булиб, мол аввало цуруц, кучсиз йуталади, айрим вацтда эса аксинча, кучли йутал тутуди, кейинчалик хириллайди. Айрим вацтларда упкада фокуслар пайдо булади. Мюллериозда умумий клиник белгилар сезилмас даражада кечади ва у фацат касаллик тезлашганда ёки мол улимидан олдин кучаяди.

Диагнози. Мюллериоз билан касалланган молнинг клиник белгилариницисобга олган цолда копрологик

текшириб, мюллерий личинкаларининг борлигини Бериан ва Вайда методлари билан аниқлагач диагноз қўйилади.

Даволаш. Куй ва эчкиларни гельминтсизлантириш учун 1 кг тирик вазнига 0,1 цуруц модда цисобиди дит-разининг сувдаги эритмаси тери остига юборилади. Бундан ташқари, эмитинли водород хлоридли тузнинг 1—2 процентли эритмаси билан ҳам даволаш мумкин. Эметин қўйлар учун 1 кг тирик вазнига 0,003 г, эчкилар учун 0,002 г миқдорда тери остига ёки мускулига юборилади. Нилверм 15—20 мг/кг дозада 20 процентли эритма шаклида тери остига киритилади.

Касалликнинг олдини олиш ва қарши кураш чоралари. Хайвонларнинг инвазион личинкалар билан зарарланмаслиги учун яйловларни 25 кунда алмаштириб туриш керак. Куйларни урмонли яйловларда боқмаслик лозим.

Куй ва эчкилар **протостронгилидоз**и. Куй ва эчки протостронгилидозиди гельминтоз касаллик бўлиб, 1) *Protostrongylus kochi*, 2) *Protostrongylus hobmaieri*, 3) *Protostrongylus davtiani*, 4) *Protostrongylus raillieti*, 5) *Protostrongylus skriabini*, 6) *Protostrongylus muraschkinzen* цузгайди. **Кузгатувчилари** жуда майда, озроқ урта бронхларда, плевра остидаги цисталарда паразитлик қилади. Эркакларининг узунлиги 24,3—30,0 мм, ургочи-ларининг узунлиги 28—40 мм.

Кузгатувчининг ривожланиши. Хамма цузгатувчи-лари оралиқ хужайин цуруцликда яшовчи 28 турдаги моллюскалар иштирокида ривожланади. Ургочилари паразитлик қилаётган жойларига тухум қўяди ва қўймай тухумдан личинкалар шаклланади. Упкада жойлашган тухумлардан личинкалар чиқади-да улар аввало оғиз бушлигига тушади, кейин ютилиб, бутун овқат эъазм қилиш органларига, сунг ахлат билан ташқарига чиқади. Личинкалар оралиқ хужайини булган моллюскалар билан дуч келса, оёцларига ёпишиб олиб, ривожланишини давом эттиради. Моллюска ичида личинкалар 32—97 кунда инвазион даврига етади. Хайвонлар дефинитив хужайинлар, инвазион личинкаларни, шунингдек, инвазияланган моллюскаларни ҳам ёки сув билан ютиб, прото-стронгилёз билан касалланади. У ёки бу йул билан овқат эъазм қилиш органига тушгандан сунг личинкалар ичак деворларига утиб, ичак тутқич лимфа тугунларига жойлашади ва ундан упкага тушади. Сунгра цон айланиш системасидан нафас олиш йулларига утади ва жин-

сий етилган' паразитлар тупланадиган жойга цараб ца- ракат цилади. Личинкалар цуй организмда 32—33 ёки 43—47 кунда жинсий жицатдан вояга етади ва ургочилари тухум цуя бошлайди.

Диагнози. Х^{ай}вонлар ахлати лявороскопик усулда текширилади. Х,айвонлар улгандан кейин упкасида жинсий вояга етган гельминтларни топишга асосланиб диагноз цуйилади.

Даволаш. Даволашда дитразин билан эматинни худди мюллериоздаги сингари цулланиладн.

Касалликнинг олдини олиш ва царши кураш чоралари. Мюллериозга царанг.

Парранда сингамози. Товуц, курка, цесарка ва бошца паррандалар нафас йулларининг гельминтозлари булиб, *Syngamus trachea* парранда кекирдагига ва бронхлари- да паразитлик цилади. Сингамоз билан асосан ёш жужалар касалланади ва касаллик энзоотия куринишида утиб, касалланган паррандаларнинг купчилиги улади.

Кузгатувчилари. Сингамуслар очцизил рангда, цон сурганлари эса жигар рангда булиб, уларнинг туси гельминтлар томонидан ютилган цонга боглицидир. Жинсий жицатдан етилган эркак ва ургочи сингамуслар цамма вацт бир-бирлари билан бириккан цолда булади. Эр- каклари ургочнларидан бирмунча кичик, огиз капсуласи ярим шарсимон хитинлашган булиб, яхши ривож- ланган.

Эркакларининг узунлиги 2—4 мм, ургочилари 7— 20 мм, жинсий тешиги танасининг олдинги цисмида жойлашган. Тухумлари нотугри овал шаклида булиб, узунлиги 0,070—0,095 мм.

Кузгатувчисининг ривожланиши. Ургочи сингамуслар парранда кекирдагига тухум цуяди, сунгра улар тебранаувчи эпителиал цужайралар томонидан огиз бушлЯнгга сурилади ва цазм органларига тушади. Тухумлар цазм органларида цеч цандай узгаришга учрамай, инвазион даврига етишмаган цолда ташци муцитга чицариб ташланади. Ташци муцитда 8—9 кун ичида тухумдаги личинка икки марта туллаб, узининг инвазион даврига етади. Товуцлар томонидан ютилган бундай инвазион тухумлари цам организмдаги ширалар таъсирида эриб, ундан личинкалар ажралиб чицади ва ичак цон томирларига утиб, цон билан упкага боради. Упка альвеола- ларида личинкалар яна икки марта туллайди, сунгра бронхларга тушади. Товуц зарарлангандан кейин 17—

20 кун утгач, ахлат билан сингамус тухумлари чица бош* лайди.

Сингамусларнинг инвазион: тухумлари ташци муцит- га айрим умуртцасиз цайвонлар томонидан ютилиб, шу ерда личинкалар пайдо булади ва узоц вацтгача (умурт- цасиз цайвоннинг бутун цаёти давомида) цеч цандай узгаришсиз яшайди. Айрим турдаги ёмпф чувалчанглари, сувда ва цуруцликда яшовчи моллюскалар, куп оёцли ^ашаротлар, шунингдек уй чивинлари сингамуслар учун оралиц хужайин булиб хизмат цилади. Демак, цушлар сингамоз билан инвазион тухумларини ва оралиц хужайинларини ютиш орцали зарарланади.

Клиникаси. Жужалар кучли инвазияланганда буйни- ни чузади, тумшугини катта очиб, эснашга ухшаш цара- кат цилади. Паррандаларнинг огиз бушлиги шиллиц пушти рангга буялади. Сингамоз билан касалланган товуцлар цисца хуштакли йутал товуш чицаради. Айни вацтда нафас олиш йуллари тицилиб цолган бирор жисм- ни чицариб ташлашга царакат цилгандай бошини чай- цагада, Бу «аксириш» сингамоз касаллнгидаги энг характерли белгилардан бири ^исобланади.

Касалликнинг бошланишида жужалар иштацаси й^цолмайди, бироц бир цанча вацт утгач бутунлай овцат емайди, юролмай цолади, патлари ^урпайиб, цанотлари шалвирайди.

Хаддан ташцари озгинлик ва асфиксия цодисаларида жужалар ^алок булади. Айницса ёш вацтида касалланган жужалар камдан-кам цолларда тузалиб кетади.

Диагнози. Кекирдакда сингамусларнинг борлигига ишонч цосил цилиш учун кекирдакни куриш керак. Бунда битта йул билан буйиннинг крапиал цисми юцорига тортилади, иккинчи цул билан эса буйин териси олдинга тортилади. Ёруглик кекирдак орцали утганда паразитлар жуда яхши куринади. КУ^{НТ} билан кузатилганда цатто паразитлар царакатини цам куриш мумкин.

Товуц тезакларини текшириш натижасида паразит тухумларини топиш цам мумкин.

Даволаш. Даволаш учун моднинг сувдаги эритмаси (1,0 кристалл мод, 1,5 калийли иодит ва 2 литр цайна- ган сув) утмас узун игнали шприц ёрдамида 0FN3 ва хи- цилдоц орцали кекирдакка юборилади. 5 ойликкача булган жужаларга 1,0—1,5 мл эритма бир марта юборилади.

Карши кураш чоралари ва профилактикаси. Ёрингар-чиликдан кейин жужаларни яйратиш тавсия қилинмайди. Жужалар учун яхши ёмғир чувалчанглари кам, цумлоц, тупроцли ёки лойли майдонларни ажратиш керак. Сайр майдонларида тезак уюмлари ва бошқа чирйган органик моддалар булмаслиги лозим.

Ферма атррфидаги чурурчуцларни йуцотиш керак. Хонаки паррандалар сацланадиган жойлар ёввойи цушлардан цимояланиши лозим.

Цорамоллар телязиози. Телязиоз ёки инвазион конъюнктивитокоратит цорамоллар орасида кенг тарцалган гельминтоз булиб, уни уч хил нематодалар: *Thelaria rhodesi*, *Th. gylosa*, *Th. scrjabini* цузгайди.

Телязиоз Узбекистан шароитида цам энзоотик шаклида ёз ва куз ойларида учраб, чорвачилик хужаликларига катта ицтисодий зарар келтиради. Бу касаллик билан касалланган цорамол кур булиши мумкин. Сут мацсулдорлиги ва вазни камайди, натижада гуштга суяйлади.

Кузгатувчилари. *Thelesia rhodesi*. Эркакларининг узунлиги 7,3—11,4 мм, ургочилари 17—4—21 мм, кутикуласи арра тишчалар шаклида кундаланг қизилган. *Th. gulosa* косача шаклидаги каттагина ориз капсуласи билан таъминланган. Эркакларининг узунлиги 5,3—9,1 мм, ургочилари 5—16 мм, Эркакларининг узунлиги 5—9 мм, уррочилариники эса 11—19 мм. *Th. rhodesi* конъюнктив халтачасига ва цовоц остида жойлашади, цолган икки тури эса куз ёш безларининг йулида ва куз-бурун тешигида паразитлик цилади.

Ривожланиши. Телязийлар оралиц хужайинлар — чивинлар (бир неча хил сигир чивини) иштирокида ривожланади. Ургочи телязийлар тирик личинка туради. Буларни оралиц хужайин — чивинлар молнинг куз ёши билан ютиб юборади. Личинкалар чивиннинг ичида яшаб, бир ой давомида пуст ташлайди. Сунгра ривожланиб инвазион даврига етади. Зарарланган чивинлар яна цайтиб цорамолнинг кузи атрофига цунганда хар тумидан инвазион личинкалар чициб, мол кузига киради ва телязиоз билан зарарлайди.

Телязийлар цорамол кузида бир неча ой яшайди. Айрим нухалари датто бир йилданкупроц паразитлик цилади. / .

Клиник бёлгилази. Цорамол безовталанади, цадеб бошини айллнтираверади, озади, ёругликка царай олмай-

ди. Конъюнктура яллигланади, куздан ёш оцади, **цатто** цовоцлари ёпишиб цолади. Айрим **айвонларнинг куз** мугуз пардаси яллигланади, ярачалар купаяди, **цайвон** кур булиб цолади. Касаллик одатда **4—8** цафта **давом** этади. Телязиоз бузоцларда шиддатли кечади. **Касалликнинг** клиник белгилари айрим вацтларда **куздаги** паразит сонига мос келмайди, яъни телязийларнинг **сон**и куп булса **ам**, клиник белгилари булмаслиги **мумкин**.

Диагнози. К,орамоллар орасида куз конъюнктура **ва** мугуз пардаларининг сурункали яллигланганлиги **сезил**-са, бундай молларни телязиоз деб гумон цилинади. Сунгра цузгатувчиларини топиб, тасдицланади.

Бу мацсадда бармоц билан кузнинг ички томони эгилади, пинцет ёки цовоц ушлагич билан учинчи **цовоц** кутарилади ва нам пахта—тампон билан кузнинг ички бурчагидан шиллиц олинади ёки ингасиз шприц ёрда-мида кузга бор кислотасининг 2—3 процентли эритмаси кучли пуркалиб, ювинди тупланади. Куздан олинган ювинди ва шиллиц цора рангли кюветкага солиниб, **зе^н** билан куздан кечирилади, бунда оц рангли паразит осонгина кузга ташланади.

Даволаш. Даволаш мацсадида 2—3 процентли бор кислотаси ёки йоднинг сувдаги 1:2000 эритмалари билаи иккала кузи ювилади. 0,5 процентли лизол эритмаси билан ювиш цам яхши натижа беради. Кузнинг ичини ре зинали спринцовка ёрдамида ювиш цулай. Биринчи мар та телязийнинг купчилиги ювилиб чицади, аммо куз ён каналчасида (20 процентга яцин) цолиши мумкин. Куз да телязий цолмаслиги учун орадан 5—6 кун ;утказиб, яна икки марта ювиш такрорланади. Хар бир цайвон кузини бир марта ювиш учун уртача 50—75 мл эритма тайёрланади. Касал **айвонлар** махсус ажратилган жойда даволанади.

Царши **кураш чоралари ва** профилактикаси. Чивин-ларга царши курашиш лозим. Касал цайвонлар июнь ва июль ойларининг биринчи ярмида бор кислотаси ёки йоднинг сувдаги эритмаси билан преимагинол гелминт-сизлантирилади.)(амма цайвонлар июндан то сентябрь ойигача **ар** ойда клиник текширилади, касалланганларни аницланади ва **улар** даволанади. Хужаликдаги **хам-**ма цорамоллар декабрь-март ойларида профилактик гелминтсизлантирилади. Профилактик гелминтсизлантирилмаган мол **яйловга** **айдалмайди**.

От парафилярйози. От парафиляриози сурункали гельминтоз касаллиги булиб, нематодлардан *Parafilaria multipapillosa* томонидан цузгатилади. Касаллик клиник жи^атдан тери каииярларидан цон окишп билан характерланиб, Совет Иттифоцининг жанубий ва жануби-шарций зоналарида учрайди.

Кузгатувчиси. Парафилярийлар отларнинг тери ости туцималарида ва мускуллараро бириктирувчи туцималарида жойлашади. Эркакларининг узунлиги 2,8—3 мм, ургочилариники 4—6 мм келади. Вульваси огиз тешигининг ёнидан очилади. Ургочилари овал шаклда, узунлиги 0,058 мм булган тухумларни ажратади. Тухум ичида личинкалар ривожланади.

Кузгатувчисининг ривожланиши. Оралиц хужайин цон сурувчи (чивин-хематобия) *Haemaphysalis citripalpis* иштирокида ривожланади. Вояга етган ургочи парафилярийлар тери ости туцималарида яшаб, бош томони билан терини тешади ва цон томирларини жароцатлай-ди. Жароцатланган жойга цон томчилари сезиб чицади ва у ерга ургочи парафилярийлар тухум цуяди. Ташци му^ит темиературасига боглиц ^олда бир неча минут ёки бир неча соатдан кейин парафилярий тухумларидан личинкалар чица бошлайди.

Оралиц хужайинлар— цематобийлар цон томчилари билан биргаликда паразит личинкаларини ютиб юбо-ради.

Отлар фацат ёзда зарарланиши мумкин. ^ематобий-лар отларни чацан пайтда цартумлари орцали парафилярийнинг инвазион личинкаларини от цонига тушира-ди. Парафилярий бир йилдан кейин жинсий жицатдан вояга етади.

Клиникаси. Парафиляриоз л<уда характерлидир. Отларнинг буйни, елка ва икки ёни пальпация цилинганда терисидан цалин шишлар, тугунчалар топ и лад и, кун-нинг иссиц вацтида бу ерларидан цон оцади. К^{он} оциши тамом булиши билан цон ивийди, кейин эса цобиц (струпь) цосил булади. Касаллик зарарсиз кечади. Касал отларни жанубдан шимолга кучирганда парафиляриоз (кесилиш) 2—3 йилдан кейин йуцолади. Парафиляриоздан улиш цодисалари кузатилмайди. Бу касаллик уч яшар ва ундан катта ёшдаги отлар орасида купроц учрайди.

Диагнози. Кесилиш белгиларига асосан цуйилади. Ундан ташцари отлардан оцаётган цон томчиларидан

парафилярний тухумларини ва личинкаларини топиш мумкин. Личинка ва тухумларни топиш учун отлар те- рисидаги янги цон томчиси буюм ойначасига томизилади ва дистилланган сувда гемолизланади, сунгра микрос- копда текширилади.

Трихоцефалёзлар. Трихоцефалёзлар ^айвонлар ора- сиа кенг тарқалган гельминтоз булиб, асосан у билан ёш ^айвонлар касалланади. Хайвон усиш ва ривожла- нишдан орцада цолади, орицлайди, мадсулдорлиги ка- м'аили, айрим вацтларда халок булади. Хар бир турдаги- цайвоннинг узига хос цузгатувчиси булади ва улар бошца турдаги ^айвонлардан касаллик цузгамайди.

^узгатувчилари:

1. -*Trichocephalus suis* чучцанинг йугон . ичакларида, асосан куричагида паразитлик цилади. Паразитнинг бош томони ингичка ип шаклида, дум томони эса бирмунча йугон ва бош томонидан икки марта калтароц. Халцаро тилда бу паразит «цилбош» деб >>ам аталади.

Эркагининг узунлиги 20—52 мм, дум томони цайрн- либ, бирмунча уралган, ургочиларининг умумий узунлиги 39—63 мм, тухумининг узунлиги 0,052—0,061 мм, бочкача шаклида булиши, цар иккала цутбларида про- биркачаларининг борлиги билан бошца нематода тухум- ларидан кескин фарц цилади.

2. *Trichocephalus ovis* цуй, эчки ва цорамолларнинг йугон ичагида, асосан куричакада паразитлик цилади. Тузилиши жицатндан олдинги паразитга ухшаш, фацаг бирмунча узунроц — 50—80 мм. Тухумларининг катта- лиги 0,070—0,080X0,030—0,042 мм.

3. *Trichocephalus sriabini* цуй, эчки ва туянинг йугон ичагида ^амда куричакада паразитлик цилади.

4. *Trichocephalus globulosa* туяларининг иутои ичагида паразитлик цилади. Жуда кам учрайди.

5. *Trichocephalus vulpis* тулки, бури ва итларнинг йугон ичагида паразитлик цилади.

6. *Trichocephalus trichiuris* одамнинг йугон ичагида паразитлик цилади.

Цузгатувчиларнинг ривожланиши. Хамма турдаги трихоцефаллар хайвоннинг йугон ичакларида яшаб, ургочилари оталанганидан сунг жуда.куп тухум цуяди. Паразитнинг бу тухумлари тезак билан бирга ташци муцитга чицариб ташланади. Ташци муцитда 18—26 сут- када тухумдан личинка ривожланиб, инвазион даврига айланади. ^айвонлар ем-хашак ва сув билан инвазион

тухумни ютиб зарарланади. Хайвоннинг овцат цазм цилиш органларида, аницроги, ингичка ичакда тухумнинг иробкаси ёрилиб, ичидан личинка ажралиб чицади **ва** цон орцали миграция цилмасдан, т[^]ридан-тугри йугон **ичакка** утиб, унинг шиллиц пардасига ёпишиб олади.

Ичак сургичларига ёпишган трихоцефаллар ривожланиб, 6—7 цафтадан сунг жинсий вояга етади. Мац- сулдор молларда (чучца ва цуйларда) трихоцефалёз- пинг тарцалиши ва диагностикаси яхши урганилган. Трихоцефалёз билан асосан 2—8 ойликкача булган чучцалар, цузилар касалланади. Катта ёшдаги цайвонлар клиник формада касалланмайди. Улар инвазия тухумларини тарцатиб, касаллик манбаи цисобланади.

Клиник белгилари. Трихоцефалёз асосан сурункали кечади, клиник белгилари булмайди. Фацат гелъминт **билан** кучли зарарланган 4—6 ёшдаги чучцаларда клиник белгиси кузатилади. Касаллик огир кечганда чучцанинг ичи цотади ёки ичи цон аралаш келади, ишта- даси камаяди ёки иштацаси булмайди. Жунлари хурпаяди, шиллиц пардалари оцаради, кам цонли орицлайди, безовталанади, тушамаларни ёриб гоц ётади, гоц туради, цалтирайди, тана царорати унчалик узгармайди. Кейинчалик нафас олиши цийинлашади, бурун тешик- ларидан суюцлик оцади, юрак уриши тезлашади, цор- **инни** ушлаб курганда огриц сезилади.

Кон таркибида эритроцитлар камайиб, лейкоцитлар купаяди, касал чучцалар уз вацтида туйимли озиц билан боцилмаса профилактик ёрдам курсатилмаса, ориц- ликдан улади.

Диагнози. Хайвоннинг тирик вацтида клиник белгиларига цараб диагноз цуйиш цийин, фацат чучца тезаг**ини** Фюллерборн усулида текшириб, тухумларни куриш билан аницланади. Улган цайвонни ёриб курганда йугон ичакда куп мицдорда трипоцефаллар борлиги ва цар **хил** патологик узгаришларнинг мавжуд булишига цараб **аниц** диагноз цуйилади.

Даволаш. Ветеринария соцасида трихоцефалёз каса- лига учраган чучцаларни даволаш жуда цам цийин, чунки трихоцефала ипсимон боши билан ичак шиллиц пардасига кириб туриши сабабли, унга дорилар деярли **таъсир** цилмайди. Х^{03и}Р^{ги} кунда трихоцефалёз билан касалланган чучцаларни даволаш учун натрий премни- **фиториди**, хлорофос, бубулин билан бенацил цуллани- **лади**. Натрий премнефторид аскаридоз касалини даво-

лашдаги каби ишлатилади ва 19—45 процент чучцани паразитдан тулиц озод цилади.

Хлорофос (80 процент АДВ) тирик вазни 40 кг гача булган чучцаларга 0,1 г/кг, ундан катта ёшдагиларига 0,05 г/кг дозада эрталаб ва кечцурун группа шаклида, нам ёки бугланган емга аралаштириб берилади. Бубу- лин 0,075 мл/кг цисобида оралигини 24 соатдан цилиб буйин сатцидаги мускул орасига юборилади. Ж. Шопу- латовнинг текширишига кура, бубулицни 0,2 мл/кг дан намланган ёки бугланган емга аралаштириб икки маро- таба (эрталаб ва кечцурун) бериш, касалланган чучцаларни. 20 соат ичида торихоцефаллардан тулиц озод цилади. Бенацил оц кукун, у 0,2 г/кг дозада эрталаб ва кечцурун бир ёки икки кун бутка шаклидаги емга аралаштириб берилганда цам яхши натижага эрицилади.

Царши кураш чоралари ва профилактикаси. Аскаридозга царши утказиладиган чоралардан иборат.

Трихинеллёз. Трихинеллёз гелъминтоз касаллик б\$> либ, куп турдаги ^айвонларни цамда одамнинг кунда- ланг таррил мускулларини зарарлайди. Касалликни *Trichinella spiralis* цузрайди.

Чучца, каламуш, ит, мушук, айиц, тулки, бури, сич- цон, типратикон, бурсиц, оцсичцон, горностаи, норка, сухсар, (соболь), силовсин (рысь) крот, йулбарс, сас- сицкузан (хорёк) ва бошца купгина з^айвонлар трихинеллёз билан касалланади. Одамлар асосан уй чучцаси, ёввойи чучца, айиц, бурсиц ва итларда трихинеллёз тарцалган районларда касалланади.

Кузгатувчиси. *Trichinella spiralis* жуда кичкина нематода, эркагининг узунлиги 1,4—1,6 мм, ургочилари 3—4 мм.

Ривожланиши. Трихинелла биогелъминт булиб, бир дайвоннинг узи цам дефинитив, цам оралиц хужайин вазифасини утайди. Чучца, ит, мушук, каламуш, сичцон, ,одам ва бошцалар спираль шаклли капсулага уралган трихинелла личинкалари билан зарарланган (трихинелла) ^айвон гуштини еб, трихинеллёз билан касалланади.

Трихинеллёлзи гуштни еган касалликка мойил цай- вон ёки одам ошцозонидаги шира таъсирида паразит капсуласи парчаланиб, унинг ичидан узунлиги 1 мм булган личинка чицади. Бу личинка 12 бармоцли ва ингичка ичакнинг бошца жойларида сацланиб, жуда тез j/сади ва икки суткадан кейин цайвон ёки одам ошцо-

Лейкопоззни кучайтирадиган моддалар. Бир цанча касалликларда лейкоцитларнинг камайиши (лейкопения) учрайди, организм заифлашади ва модда алмаши- нуви бузилади. Бу цолларда лейкопоззни кучайтирадиган моддалар: натрий нуклеинат (Natri nucleinas), нейротоксил (Pentoxylum), лейкоген (Leucogenum), тезан (Thesenum) лар ишлатилади.

Сийдикни ^айдайдиган (диуретик) моддалар. Маълумки, буйраклар сув ва метаболитларни, заарларни, дори моддаларни организмдан чицарибгина цолмасдан, улар цон ва туцима суюцлигининг осматик босимини кутаришда иштирок цилади, кислота — ишцорлар мувозанатини сацлаб туради ва ренин ишлаб чицариб, цон томирлар тонусига цам таъсир курсатади.

Органйзм захарланганда ва буйракларнинг айрим касалликларида хилма-хил диурезни кучайтирувчи моддалар тавсия этилади, лекин уларнинг таъсири филтрланиш ^одисасини руёбга чицарадиган сувсиз булмайди. Шунинг учун бу дориларни беришда албатта молга купроц сув бериш лозим, керак булса уни зонд орцали юбориш керак.

Шу маъсадда меркузал (Merkusalum), диакарб (Diacarbum), темисал (Themisalum), теофиллин (Theophyllinum), калий ацетат (Kalii acetat), гидрохинол (Hydrochinonum), дихлортиазид (Dichlorthizidum), промеран (Promeranium), толокнянка барги (Folium uvae

ursi) каби усимликлар ва бошқа моддалар Цуллани- лади.

Бачадон цисцаришини кучайтирувчи моддалар. Бачадон функцияларини регуляция цилиш учун гормонал, аинггалатор, наркотиклар, адренергик моддалар, айрим витаминлар, глюкоза, кальций хлор, окситоцин, питуитрин ва бошқа моддаларни ишлатиш мумкин, лекил улар бошқа органларга ҳам кучли таъсир курсатади. Ленин асосан бачадонга миотроп ва нейротроп таъсир Циладиган маточнъе моддалар хам бор. Буларга цора- косов (Secale cornutum), эрготал (Ergotalum) эргога- мнн-тартрат (Ergotamini tartras), эргометрин-малеат (Ergometrini maleas) ва сферофизин (Sphaerophysinum) кабилар киради. К>оракоеов препаратларини бачадон атониясида ундан цон кетган пайтларда, бола йулдо- шини тушириш учун, тушиши ва бачадон инволюция- сини тезлаштириш учун тавсия цилинади.

Жигар функциясини оширадиган моддалар. Ушбу мацсада ишлатиладиган моддалар учга:

1) Ут ажралишини кучайгирадиган ва унинг ферментатив активлигини, антимикроб хоссасиини оширадиган, 2) ут йуллари ва ут пуфаги тонусини тиклаб, ут- нинг ичакка чицишини яхшилайдиган, 3) жигар яллиг- ланишига царши таъсир цилиб, ут ажралиши ва ичакка чицишини тезлаштирадиган моддаларга булинади. Буларга холензим (Cholenzymum), аллохол (Allocholum), холбсас (Ghoiosasum), маккажухори сочлари (Stygmata Maydis), бессмертник гули (Flores Helichrysi), гепалон (Hepalonum), эфир мойлари, салицилатлар, антибио- тиклар, сульфаниламидлар ва бошцалар киради.

ОРГАНИЗМ ДА МОДДА АДМАШИНУВ ПРОЦЕССЛАРИГА ТАЪСИР ЦИЛАДИГАН ОМИЛЛАР

Витамин препаратлари. Витаминлар (лотинча Vita — цаёт ва aminum — аминлар) одам ва г^айвон цаётини таъминлайдиган аминлардир. Хозлргп вацтда фацатги- на уларнинг биологик а^амиятига цараб эмас, балки витаминлар билан боглиц булмаган касалликларни цам даволаш ва профилактика цилиш учун фармакологик дори модда сифатида ишлатилмоцда. Уларнинг эриш хоссасига цараб икки группага: сувда ва ёгда эрийди- ган витаминларга булинади.

Сувда эрийдиган витаминлар. Бу группага: тиамин-бромид (В₁, Thiaminibromidum), кокарбоксилаза (Co-carboxylasum), рибофлавин (В₂, Riboflavinum), никотин кислотаси (РР_в Acidum nicotinicum), пиридоксин (В₆, Pyridoxinum), фоль кислота (В₁₁, Acidum folicum), цианкоболамин (В₁₂, Cyancobolaminum), кальций пантоте-нат (Calcii pantothenas), кальций пангамат (В₁₅ Colcii pangamas), йолин-хлорид (Cholini chloridum), аскорбин кислотаси (Вит. С, Acidum ascorbinicum), натрий аскор-бинат (Natrii ascorbinicum), флаваноидлар: витамин Р (Vitaminum P) биотин (Biotinum), метилметионинсуль-фоний хлорид (Methylmethioninsulfonii chloridum) ёки витамин «У», рутин (Rutinum) ва инозит (Inositum)лар **киради**.

Ёгда эрийдиган витаминлар. Уларга эргокальцифе-роль, ретинол ва унинг препаратлари;¹ А витамин кой-центрати, балиц мойи, витамин А дражеси, цитраль ци-холь, витамин В, токофероль, витамин К1К2, викасол **киради**.

Поливитаминлар. Ветеринария практикасида цулай булиши ва эффектини ошириш учун бир-бирига таъсири синергист булган ва аралаштирганда мос келадиган, бирга цушиб ишлатиш мумкин булган витаминлар поливитаминлар шаклида чицарилади. Буларга адевирол (Adevirolum), аевит (Aevitum), ундевит (Undevitum), тривитамин (Trivitaminum), тривит (Trivitum), тетра-вит (Tetravitum) кириб, ёгда эрийдиган комплекс витаминлар мойли эритма, сувда эрийдиганлари купинча ачитци — «драже» шаклида чицарилади.

Хамиртуруш (дрожжи) лар. Таркибида комплекс витаминлар бор пиво, нонвой ва мол озицаси (гидролиз-ланган) ачитци моддалари сунгги вацтларда ветеринария практикасида кенг цулланилмоцда. Юцорида айтиб утилганидек, ^ар цайси витаминнинг биологик таъсири-га цараб: гипо — ва авитаминозларнинг олдини олиш ва даволашда, цонтомир-юрак, ошцозон-ичак, нафас органлари, тери, куз эшитиш, жигар, суяк, бугим, гемо-поэз, сийдик ажратиш органлари касалликларида ^ам-да организмнинг резистентлигини, модда алмашинувини кучай'тириш, цар хил мацсулдорлигини ошириш, \$'сишни тезлатиш, куйганда ва купгина юцумли касалликларни даволашда цулланилмоцда.

Гормонал препаратлар Гормонал препаратлар деб, **ички** секреция безларининг цаёт фаолиятида ^о'сил бу-

ладиган ма[^]сулотларни ёки уларнинг синтетик аналогларини тутадиган дори моддаларга айтилади.

[^]адимдан маълумки, бирорта эндокрин **безининг** функцияси узгарганда жуда оғир касалликлар **юзага** келиши мумкин. Х[^]озирги вацтларда табиий гормонлар, безларнинг экстрактлари, синтез йули билан олинган препаратлар ва усимликлардан олинган гормонал **таъ-** сирига эга моддалар ишлатилмоцда. Айрим синтетик гормонал препаратлар химиявий тузилиши буйича **уму-** мий табиий гормонларга ухшайди, аммо айнан гормонал таъсири **бор.**

цъ Гормонал препаратларни фацат айрим эндокрин безларнинг функцияси сусайганда эмас, балки бу билан уадуман боглиц булмаган касалликларни профилактика цилиш ва даволашда, модда алмашинуви, организмнинг усяши, резистентлиги ва цайвоининг мацсуЛдорлигйни ошириш учун цам кенг цулланилмоцда Гормонал препаратларга: 1) ургочи-эстроген гормонал, эстрадиол-бецзоат, эстрадиол-дипропионат, синэстрол, диэтилстильбэстрол, диэтилстильбэстрол пропианат, димэстрол препаратлари; 2) гестаген, прегнин, оксипрогестерон-капроиат, хорион гонадотронини, сыворотка гонадотропини, СЖК препаратлари; 3) андрогенлар, тестостерон-пропионат; 4) гипофизар таъсир циладиган препаратлар (адренотропикотропгормон— АКТГ), АКТГ рухфосфат, пролактии, питуитрин, инъекцияланадиган питуитрин, питуитрин М, окситоцин, маммофизин, интермедик; 5) стероидлар (кортизон), гидрокортизон, преднизолон; 6) Анаболик стероидлар (метандростенолон), феноболин, метиландростендиол; 7) меъда ости беци препаратлари (инсулин, липокаин; 8) цалцонсимон беци (тироксин), порошокли цуруц тиреоидин, дийодтирозин, метилтиоурация препаратлари; 9) цалцонсимон без ёнидаги безлар препаратлари паратиреоидин) киради.

Юцоридаги гормонал препаратлар цулланганда уларнинг дозасига эътибор цилиш лозим, цунки купчилиги таъсир (ЕД) бирлиги (ТБ), айримлари грамм ва миллиграммларда улчанади.

Фермент препаратлари. Ферментлар ёки **энзимлар** биохимик процессларнинг махсус (специфик) катализаторларидир. Улар хайвон, микроб ва усимликларнинг адр бир тирик цужайрасида [^]осил б[^]Либ, [^]амма **биохимик** процесслар, модда алмашинувини бошцариб боради. Фермент препаратлари цайвон органларидан, микроб ва

^симликдан олиниб, чорвачилик практикасида энг му-
^имлари хазм цилишни ва модда алмашинувини яхши-
ловчи, резорбцияни кучайтирувчи ва яллигланишга царши
таъсир цилади.

Улар организмда оцсил синтезини кучайтиради, улган
туцималар оцсилени парчлайди, шунга кура уларни
сурункали гастрит, энтерит, остеомиелит, яра, гепатит,
нафас органлари яллигланганда, диспепсия, кератит ва
бошца касалликларда цулланиладн. Х^зирги вацтда 1800 га
яцин фермент маълум булиб, шулардан энг куп цул-
ланиладиганлари: трипсин, лизоцим, аминокапрон кислота,
кристалл альфа химотрипсин, химопсин, пепсин, абомин,
панкреатин, дезоксирибонуклеаза, лидазалар- дир.

Сунъий увуз ва сунъий ошцозон шираси цам фермент
препаратларига яцин таъсир цилади ва лозим булса уларни
хужаликнинг узида ^ам тайёрлаш мумкин:

Сунъий ошцозон шираси тайёрлаш. Бунинг учун пепсин
(1 г), химиявий тоза водород хлорид кислотаси (0,5 мл)
дистилланган сув (100 мл) олинади ва цамма- сини цушиб
эритилади.

Сунъий увуз тайёрлаш. Бузоцларнинг ошцозон-ичак
касалликларини даволаш хамда профилактика цилиш учун
ишлатиладиган шифобахш модда. Уни тайёрлаш учун янги
согилган сут (1 л) олиниб, унга витамин билан бойитилган
балиц мойи (15 л), ош тузи (10 г), 3 дона тухум цушиб
аралаштирилади. Бундай аралашма бузоцларга иситилган
(38°) цолда, озицлантиришдан олдин ичирилади.
Шунингдек, бузоцларни ошцозон-ичак касалликларидан
даволашда кучсиз антисептик хоссага эга кучсиз озиц модда
— пичан настойи, отцулоц дони- даи тайёрланган настой
хам ишлатилади.

ИММУНИТЕТНИ КУЧАЙТИРАДИГЛН (ИММУНОСТИМУЛЯТОР) МОДДАЛАР

Купгина дори моддаларнинг терапевтик ва профилактик
таъсирининг асоси, уларнинг (пуринлар, фенамин, айрим
гормон ва витаминлар) махсус булмаган антитела каби
организм цон зардобидаги глобулин фрак- циясини
купайтиришидадир. Булардан энг мухимлари
аминокислоталар, антиметаболитлар, лизатлар, туцима ва
бактериал препаратларндир.

Аминокислоталар. Мацсулдор цайвонлар хаёти учун уларнинг рационал фацат протеин билан тенглаштирилмасдав, аминокислоталарни цам ^исобга олиш лозим. Шунинг учун рационга синтетик аминокислоталар ва мочевина препаратлари цушилади.

Ушбу группага мочевина (карбамид), цистин, метионин, гистидин, глютамин кислотаси, гамма-глобулин кабилар киради.

Иммуностимуляторларга академик В. П. Филатов усули билан тайёрланган .хар хил аъзолар туцимаси препаратлари, ВАСНИЛ академиги М. П. Тушнов асос- лаган: маммолизат, овариолизат, миолизат, тестолизат ва кутилизатлар, А. А. Богомолец киритган АЦС (анти- ретикуляр цитотоксин сыворотка) ва АБК, ПАБК, нор- мофлор каби бактериал препаратлар киради.

Улар фацатгина ^айвонларнинг резистентлигини оширибгина цолмай, уларнинг цазм цилиш органлари функциясини, модда алмашинувини, ^сишини кучайтм-ради.

Анорганик моддалар. Организмнинг яшаб туриши учун органик моддаларгина эмас, анорганик моддалар цам зарур булиб, улар организмдаги метаболизм, юцори мацсулдорлик ва яхши резистентликни таъминлаш учун катта а^амиятга эга.

Дозирги вацтда организмдаги биронта физиологик процесс анорганик моддаларсиз руёбга чица олмаслиги апицланган. Шу моддалардан ишцорий ва ишцорий-ер, Of ир металлларнинг тузлари цаммадан кура купроц функцияларни бажаради.

Бу моддаларнинг организмдаги мицдорига цараб макроэлементлар (концентрация то 10^{-2} гача), микро-элементлар 10^{-3} .дан то 10^{-5} гача ва ультрамикроэлементларга (10^{-5} дан паст булса) булинади.

Ишкорий ва ишкорий-ер металлларнинг тузлари. Тузларнинг гипо, изо- ва гипертоник концентрациядаги эритмалари купроц ишлатилади.

Натрий тузлари. Натрийнинг организмдаги роли цадимдан маълум булиб, унинг купроц натрий хлорид (Natrii chloridum) ва натрий сульфат (Natrii sulfas) тузлари ишлатилади. Натрий хлорид иштаха ва ^азмки яхшиловчи ^амда озиц сифатида, яллигланишга царши, атонияда, ичдан цон оццанда ва кумуш нитрат билан зацарланганда; натрий сульфат эса разини яхшилаш, цон босимини камайтириб,..сурги модда сифатида цамда

организмни сувсизлантириш ва жароцатларни даволашда ишлатилади.

Калий тузлари. Калий тузларидан калий хлорид (*Kalii chloridum*), калий сульфат (*Kalii sulfas*) ва сунъий карловар тузлари цулланиладн. Улардан калий хлорид цазмни яхшилаш, калий сульфат сурги модда сифатида ва карловар туз меъда, ичак, ошцозон ости беци секрециясини кучайтириш, жигар ишини яхшилаш, ут суюЦлигини, ферментларни купайтириш ^а-мда сурги модда сифатида цулланиладн.

Магний тузлари. Улардан магний сульфат (*Magnesii sulfas*) ва магний карбонат (*Magnesii subcarbonas*) тузлари булиб, цазмни яхшилаш, сурги дори сифатида, наркоз учун, сариц касалида (желтухада), спазм ва талвасани олишда ^амда симоб, маргимуш, барий билан зацарланганда (магний сульфат), гинерацидозда, кислоталар билан за^арланганда (магний карбонат) **тавсия** цилинади. ;н?

Барий тузлари. Сурги модда сифатида барий хлорид (*Barii chloridum*) венага юборилади ва рентгенологияда сувда эримайдиган барий сульфат (*Barii sulfas*) ишлатилади, чунки эрийдиганлари за^арли.

Кальций тузлари. Унинг тузларидан кальций хлорид (*Ca licii chloridum*) энг куп ишлатилади. Отёк (шиш), абортнинг олдини олиш, бола йулдошини чицариш, тетания, спазмофилия, остеопатия, аллергия цолатщ жигар, иситма, септикопиемия касалликлариди, тугишдаги фалажда ва цон оцишни тухтатиш учун ишлатилади. Кальций глюконат (*Calcii gluconas*), кальций фосфат (*Calcii phosphas*), кальций лактат (*Calcii lactas*), кальций карбонат (*Calcii carbonas*) ва сувсизлантирилган кальций сульфат (*Calcii sulfas ustum*) тузлари яллиг- ланганда, абортга царши, гиперацидли гастритда, ор- ганизмда кальций камайганда ва унинг алмашинуви бу- зилганда ишлатилади.

Огир металл препаратлари. Опгр металллар препаратлари хоссалари ва таъсирлари бир-бирйга яцин булиб, ахолида бир группани ташкил цилади. Улар орга- низмга мацаллий ва умумий таъсир курсатади. Ма^ал- лий таъсири цулланиладиган моддаларнинг концентра- циясига цараб уч босцич орцали руёбга чицади: 1) бу- риштирувчи ёки цотирувчи; 2) таъсирлантирувчи; 3) куйдирувчи ёки коагуляцияловчи босцичи. Умумий таъсири цар хил: айримлари цон ишлаб чицариш ор-

ганларига (Fe, Si), антимикроб ва антипаразитлар (Ag, Bi, Hg) таъсир цилади; умумий таъсири йуцлари ^ам (Zn, Al) мавжуд ёки зацарли (Pb) таъсир курсатади.

Алюминий препаратлари. Буларга аччиктош (Alumen), Буров суюцлиги (Ziguog Bugowi), куйдирилган аччиц тошлар (Alumen ustum) киради. Аччиц тошлар ^отирадиган ва дезинфекциялаш мацсадида конъюнктивит, стоматит, метрит, вегинитларда, ошцозон, ичак ва бошца цон оцишларни тухтатиш, ярани куйдириш учун ва офтальмологияда ишлатилади.

Кургошин препаратлари. Буларга цургошин ацетат (Plumbiacetas) ва цургошин оксиди (Phunbi oxuscdum) кИриб, цотирувчи, цон тухтатувчи, микробга царши модда сифатида мазь, пластыр ва эритма шаклида метрит, цистит, ирактиг каби касалликларда ишлатилади.

Висмут препаратлари. Асосий висмут нитрат (Bismuthi subnitrates), ксероформ (Xeroformium), дерматол (Dermatolum), кириб, цотирувчи, цуритувчи, дезинфекцияловчи, яллигланишга царши модда сифатида гас-троэнтерит, куйиш, экзема, яра касалликларида цулла-нилади. Присипка цилиш мумкин.

Рух препаратлари. Рух оксид (Zinci oxydum), рух сульфат (Zinci sulfas) киради. Уларни цотирувчи, цон томирни торайтирувчи, яллигланишга царши, мацаллий огрицни цолдирувчи модда сифатида дерматит, ранада, яра касалликларида, офтальмологияда эритма, паста, мазь, присипка шаклида ишлатилади.

Темир препаратлари. 1\айта тикланган темир, темир сульфат, темир-аскорбин кислотаси, темир лактат, темир глицеро-фосфаг, фероанемин, ферроглюкин, ферро-декс темир моддаларга киради.

Темир препаратларини анемия, хлороз касалликларида, куп цон йуцотганда, цайвонлар озиб кетганда, ^азмни яхшилаш ва цотирувчи модда сифатида ишлатилади.

Мис препаратлари. Мис сульфат ва мис цитрати кириб, уларни яллигланишга (стоматит, вагинит, конъюнктивит) царши рана грануляциясини кучайтириши, цон оцишни тухтатиш, антигельминтик, цотирувчи ва дезинфекцияловчи модда сифатида тавсия цилинади.

Кумуш препаратлари. Кумуш моддалардан кумуш нитрат (Argentii nitrates) ни цотирувчи, таъсирлантирувчи ва бактериостатик модда сифатида j^ар хил стоматит-

ларда, намли экзема, дерматит, куйганда, офтальмологияда, цон оцишини тухтатишда ишлатилади: альбар- гин, колларгол ва протаргол цотирувчи, дезинфекция- ловчи модда сифатида цистит, вагинит, инфекцияланган ярада, септицемия, пиемия касалликлариди цуллапи- лади.

Симоб препаратлари. Ветеринарияда симоб модда- лари хар хил дори шаклида (эритма, порошок, мазь) *ва* купгина касалликларда цулланиладн. Масалан: кук симоб мази хроник процессии цузгатиш, тери ва пай касалликлариди, бир хлорли симоб сурги, ичакларни де- зинфекцияловчи, кератитни даволовчи модда сифатида; икки йодли симоб, сариц симоб оксиди, симоб дихлорид, симоб амидохлорид — дезинфекцияловчи, битлаш, цу- тирга царши, тери касалликлариди; диоцид хирургияда цулни дезинфекциялаш учун ишлатилади.

Фосфор, йод, мишьях препаратлари ва селенитлар

Фосфор препаратлари. Буларга фосфор, лецитин, фитин, фосфрен, кальций глицерофосфат, темир глицерофосфат кабилар киреди. Фосфор препаратлари анемия- да, ёш молларнинг усиши пасайганда, гемопозэ ва нерв системани стимуллашда, неврастенияда, рахит, остеома- ляцияда, модда алмашинуви ва р'езистентликни кучай- тиришда цулланиладн.

Йод препаратлари. Йод, йоднинг 5% ли спиртдагн эритмаси, калий йодид, натрий йодид, йодоформ, хинно- фон (ятрен), йодиол каби моддалар киреди. Уларни диктиокаулезда, телязиозда, цорамол трихомонозида, актиномикозда, ботриомикозда, ранада, хирургияда, де- зинфектор ва дезодаратор ва модда сифатида, диспеп- сияда, дизентерияда ва бошца меъда-ичак касалликлариди ишлатилади.

Маргимуш препаратлари. Органик ва аорганик би- рикмалардан иборат.

Неорганик бирикмаларга маргимуш ангидриди, калий арсенит эритмаси, натрий арсенат, натрий арсенит- лар кириб, хазм бузилганда, камцоиликда, озганда, ра- хитда, остеомаляцияда, эритропозэни кучайтириш ва каналарни (натрий арсенит) улдиришда ишлатилади.

Органик бирикмаларга новарсенол, миарсенол, аток- сил, осарсол, аминарсонлар кириб, купгина юцумсиз ва юцумли касалликлар: су-ауру, отларнинг црчириш ка-

саллигида, спирохетоз, юцумли плевропневмонияда, рс-зистентлигини оширишда, трипаносомоз, спирохетоз, ёш молларнинг юцумли ошцозон-ичак касалликларида цулланилади.

Селенитлар. Селен ва унинг бирикмалари организм учун жуда зарур булиб, антиоксидант таъсир цилади, ферментлар активлигини, куз ва жигар функцияларини таъминлайди. Селен актив микроэлемент цисобланиб, озицда камайиб кетса, худди витамин «Е» каби мус- кулларнинг оЦариш касаллигига ва жигарни некротик дегенерацияга олиб келади.

Чорвачиликда селен унумларидан натрий селенит куп цулланиладн. Бу препаратни энтерал йул билаи 0,5 мг/кг дан берилади.

МИКРОБ ВА ПАРАЗИТЛАРГА ҚАРШИ И ШЛАТИЛАД И ГАН МОДДАЛАР

Юцумли касалликларни даволаш ва уларнинг олди- ни олиш учун дори моддалар жуда кенг мицдорда ишлатилади. Касалликларни цузгатувчи сабабларга к^ра юцумли касалликлар инфекцион (цузгатувчиси м-икроб, вирус, замбуруг^, риккеция) ва паразитар (цузгатувчиси протозоа, гельминт, кана ва цашаротлар) касалликларга булинади. Ушбу классификациям кура дори моддалар микробларга ва паразитларга царши ишлатиладиган группаларга булинади. К,ишлоц хужалик цайвонлари- инг паразитар касалликларига царши уларнинг цузга- тувчиларига таъсир циладиган — дезинвазия цилиш учун цатор дори моддалари ишлатилади. Улар, уз навбатида, организмни гельминтозлардан тозалаш учун ишлатил- са — ангельминтиклар, каналарни улдирадиганлари, акарицндлар ва цашаротларни улдирадиганлари — ин- сектицидлар деб юритнлади.

Дори моддалар микроб ва вирусларга хар хил даражада таъсир килади. Айрим цолларда фармакологик дори моддалар микробни улдирса (бактериолитик ёки бактерицид таъсир), бошцалари фацатгина бактерия- ларни кучсизлантириб, уларнинг ривожланишини тухта- тади (бактериостатик таъсир). Инфекцион касалликларни цузгатувчилар табиатда кенг тарцалган, улар ^айвон органпзмида, жунда, терида, ва ташци мухитда булиши мумкин. Шу сабабли микробга царши дори

моддалар ^ар хил маъсад ва й^налишда ишлатилади. ^айвон организмга кирган цузгатувчини улдиришга муъжалланган моддаларни химотерапевтик препаратлар, даволашга эса химиотерапия (лотинча *chema* — химия, *terapia* — даволаш) деб юритилади.

Умумий ва ма^аллий инфекция ва у билан боғлиқ интоксикациянинг олдини олиш цузгатувчини улдириш учун ишлатиладиган доривор моддаларни антисептик препаратлар, уларни ишлатиб организмдаги септик процессларнинг олдини олиш учун утказиладиган тадбирлар йигиндисига антисептика (грекча *anti* — царши, *sepsis*— йиринглиниш) дейилади.

Антисептик препаратлар ёрдамида асосан ярадаги пайдо булиши мумкин булган йирингли никротик процессларнинг олди олинади, шунингдек, тери, ва шилим- шиц пардаларда учрайдиган микробларни цам улдириш учун ишлатилади.

Ташци муцитда учрайдиган юцумли касалликларнинг цузгатувчиларини улдириш учун ишлатиладиган дори моддаларни дезинфекцияловчи, у билан бирга утқилиладиган тадбирларга **дезинфекция** (французча *des* — йуц, *infectio* — юцумли) дейилади. Аммо ушбу препаратларни антисептик, дезинфекцияловчи ва химикотерапевтика маъсадада ишлатиладиган группаларга булйш нисбийдир, чунки микробларга царши ишлатиладиган ^амма моддалар бактериостатик, бактериолитик ёки антисептик таъсир курсатади. Фацат дезинфекцияловчи моддалар учун бактериолитик таъсир бирмунча аниц ва кучли намоён булади. Чунки ушбу хужайралар учуй жуда кучли зацарли цамма организмларни улдиради, инсон ва цайвонлар учун цам хавфлидир. «Пекин дезинфекцияловчи препаратлар арзон, уларни топиш ва ишлатиш осон булганлиги учун чорва биоларини, тупроц, сув манбалари, инвентар ва бошца объектларни дезинфекция цилиш учун кенг куламда ишлатилади.

Дезинфекция цилувчи препаратларнинг микробларга таъсир цилиш механизми жуда мураккаб. У фацат ишлатиладиган модданинг физик ва химиявий хоссалари эмас, балки касаллик цузгатувчи сабабларнинг (бактериялар, бациллар, замбуруглар, вируслар ва цоказо) биологик хусусиятларига, ташци му^итнинг физик-химиявий таркибига боғлиц булади.

Айрим дезинфекторлар махсус микроорганизмларга танлаб таъсир цилади.

Формальдегид препаратлари. Бу группага формальдегид ёки' чумоли кислотаси альдегиди, формалин ёки формальдегиднинг сувдаги 40 процентга яқин эритмаси» мизоформ, параформальдегид ва бошқалар киради. Ушбу бу препаратлар намлиги юқори булган муцитдаги микроорганизмларга кучли таъсир цилади, шунингдек» ишлатиладиган эритманинг температураси цанча кутарилса, унинг таъсир кучи цам ошиб боради, албатта формалин эритмасини 10° дан юқори иссицликда ишлатиш керак. Формальдегид препаратлари микроб хужайрасидагн оцсидли бирикмалардан кислородни тортиб олади, ивитади ва парчалайди. Уларнинг таъсирида митохондрия системаси ферментлари парчаланайди. Формальдегид препаратлари вегетатив, спирали бакте- рияларга, замбуруг ва вирусларга кучли таъсир цилади.

Формальдегид эритмалари билан аэрозоллар беки- тилган чорва биноларини, чорвачиликда ишлатиладиган киим ва иш анжомларни махсус паракамераларга цу- йиб'дезинфекция цилинади. Айрим цолларда катта цо* риндаги ачиш, бижгиш процессини тухтатиш учун ол- дииги цоринлар дамлаганда цорамолларга формалин эритмаси ичирилади. Микробларни улдириш ва сийдикни хайдаш учун гёксаметилентетрамин ишлатилади.

Фенол препаратлари. Бу группага фенол ёки карбол кислотаси, фенилсалицилат, тозаланган крезол, креазот, лизол, деготь, резорцин, ихтиол, креолин ва бошқалар киради. Ушбу препаратлар липоидли ва ёгли му^итда яхши эрийди, цашаротларнинг хитинли цоплами, мик- робдарнинг ёгсимон-липоидли пардаларидан яхши ки- радй, цужайрада шимилиш ва ажратиш процессларини издан чицаради, хужайра оцсилларини ивитади ва микроб ^ужайрасида фермент системалари бузилиб, микроб ва паразитларнинг оцсил синтез цилиш цобилияти издан чицади. Фенолнинг паст процентли концентрацияси бактериостатик, кучли эритмаси эса бактериоцид таъсир цилади. Эритмага ош тузи, кислота ёки ишцор аралаш* тиридса хамда температураси кутарилса фенолнинг бактерицид таъсири кучаяди.

Хамма фенол препаратлари эритмасининг хиди ёмон, улар цонга шимилганда за^арланиш, ^айвонларда сулак оциш, холсизлаиш, цусиш, томирларнинг тортиши, ^ар хил фалажланишлар пайдо буЛиШи ва мол улиши мумкин. "

Кислород берувчи (оксидловчи) моддалар. Буларга водород перекиси, гидроперит, калий перманганат ва бошчалар киради. Уларнинг бактерностатик цамда бактерицид таъсири атомар кислород ажратиб, микробларга ноцулай шароит яратишдан иборат. Бу моддаларни яллигланган, яраланган жойга цуйганда, улар купириб, пуфакчалар чицариб, микроб, ифлос йиринглардан то-залайди. Ундан ташцари, бу группага кирувчи дорилар ачиш, чириш процессларини бартараф этиб, ёмон хид-ларни йуцотиш учун цамда оцма яра ва куйишни даволаш учун кенг куламда ишлатилади. Шунингдек, ичак- ошцозон касалликлариди дезинфекция мацсадида ичиш учун берилади; фосфор ва морфий билан зацарланган- да, чаён ва бошца за^арли ца шар отлар чаццанда антидот сифатида фойдаланилади.

Хлор препаратлари. Буларга кальций гипохлорид, яъни хлорли охак, хлорамин—Б, пантоид, хлорацид ва бошчалар киради. Бу препаратлар таркибида актив хлор булади. У нордон муцитда сув билан реакцияга киришиб, водород-хлорид кислотасини цосил цилади ва унинг парцаланишидан актив кислород ажралиб чицади. Хлорнинг микробларга таъсири унинг оксидланиши ва кислороднинг бактериацид хусусиятига эга булиши- дир.

Хлор оцсиллар билан реакцияга кириб, унинг хос-саларини хам издан чицариши мумкин.

Хлорли оцак порошок ва суспензия шаклида куйди-риш ва бошца спора цосил цилувчи микроблардан дезинфекция цилиш учун ишлатилади. У билан тез оксид-ланувчи предметлар: металллар, буялган предметлар теридан тайёрланган предметларни дезинфекция цилиш ярамайди.

Кислоталар. Купроц водород хлориди, сульфат, уксус, бор ва бошца кислоталардан фойдаланилади. Улар одатда* бошца дезинфекция цилувчи дорилар билан аралаштириб ишлатилади. Водород-хлорид ёки ош тузи «Еслотасининг 1—2 процентли эритмаси 10 процентли ош тузи эритмаси билан куйдирги билан касалланган деб шубха цилинган моллардан олинган териларин ош-лаш ва дезинфекция цилиш учун ишлатилади. Кислота-ларнинг бактерицид таъсири уларнинг ионларга парча-ланиши диссоциация даражасига боглиц. Кучли кислоталар микроб ^ужайрасидан сувни щимиб, оцсилларни ивитади, ишцорларни нейтраллаштиради. Улар ^ужан-

радан кислород билан водородни ҳам ажратиб олиши мумкин.

Ишқорлар. Купроц уювчи натрий ёки натрий гидроксиди, калий гидроксиди, кальций гидроксиди, натрий карбонат, калий карбонат, натрий гидрокарбонат, натрий тетраборат, магний оксиди ёки сундирилган магнезия каби ишқорлар дезинфекция ҳамда касал ҳайвонларни даволаш учун ишлатилади.

Микробларга : ишқорлар гидроксид группаси билан таъсир цилади, шунинг учун уларнинг кучи ионларга парчаланиш интенсивлигига боғлиқ. Юқори температу- рада ҳамда кучли концентрациядаги ишқор эритмалари совуқ ва паст концентрацияли эритмаларга ҳағанда микробларга кучлироқ таъсир цилади. Ишқорлар бактерия, замбуруғ ва вирусларни улдиради, каналарнинг хитинли панцерларини емириб, уларни бошқа дезинфекция цилувчи моддаларга ҳидамсиз цилиб ҳуяди.

ХИМИОТЕРАПЕВТИК МОДДАЛАР

Микробларга ҳарши танлаб таъсир курсатадиган ва цонга сурилиб утганидан кейин ёки инфекцион процесс- и таъсир цилганда антибактериал активлигини юзага чицарадиган моддаларга химиотерапевтик моддалар деб аталади.

Бу синфга кирувчи моддалардан ветеринария соҳа* сида антибиотиклар, сульфаниламидлар билан нитро- фуран препаратлар купроц ишлатилади.

Антибиотиклар

Антибиотиклар латинча anti—ҳарши, bios — ҳаёт деб, микроб, уеимлик ва ҳайвон организмлари ишлаб чицарадиган ва бактерияларга ҳарши активликка эга булган моддаларга айтилади. Антибиотиклар таъсирида микробларнинг ҳажми, шаклларн, ҳужайра деворлари- инг утказувчанлиги узғаради, фермент системаси бу- зилади.

Нафас, моддалар алмашинуви издан чицади, токсин ишлаб чицариш чекланади, усиш ва ривожланиш тухтайди. Шундай цилиб, аста-секин нобуд булади. Антибиотиклар бактерияларнинг усиши ва ривожланишига

тусцилик цилиб, улар бактериостатик таъсир курсатади. Антибиотикларнинг микробларга булган таъсири организмнинг умумий ҳолатига боғлиқ.

Касал цайвонларни даволаганда антибиотиклар унинг нейрогуморал бошқарилишига таъсир этиб, цайвон организмнинг умумий тонусини кутаради, орган ва системалар фаолиятини химиявий механизмларнинг иммунобиологик реакциялари, фагоцитоз, туцималарнинг бактерицид хоссалари, жигарнинг барьер ва антитоксик, цон ишлаб чицариш фаолияти, моддалар алмаштшув процессларни 'активла'штиради. •-

Антибиотикларнинг характерли хусусиятларидан бири уларнинг маълум турдаги, катта группага мансуб микробларга танлаб таъсир цйлишидир. Ушбу хусусиятига кура антибиотиклар группаларга булинади. Пенициллин группасига мансуб препаратлар грамм мусбат микробларга актив ва кучли таъсир цилади; тетрациклин группасидагилар цам грамм мусбат, цам грамм ман- фий микробларга царши: стрептомицин группасига кивчи препаратлар туберкулез таёцчасига цам таъсир этади. Левомецетин группадаги айтибиотиклар (синтомицин ва бошцалар) ичак таёцчаларининг патогенли штамлари, вирус ва реакцияларга актив таъсир курсатади. Бициллин I, III ва V лар узоц таъсир циладиган моддалар булиб, уларни цар 3 кунда бир марта орга- * кизмга юбориш кифоя цилади.

Антибиотик препаратлардан гризофульвин, эритро-г мицин, олеондомицин ва бошцалар цамма грамм мусбат бактериялар билан дермотофит з&мбуругларга цисбат актив.

Антибиотикларни даволаш учун ишлатганда унинг натижаси бир цатор шароитларга боғлиқ булади. Энг яхши натижа антибиотиклар мацсадга мувофиц коикрет ^узгатувчига нисбатан тугри танланганда (титрланган- да) цамда касалликларнинг бошланиши даврида ишлаг тилганда олинади.

Антибиотикларнинг дозасини аниц танлаш цам катта ацамиятга эга. Фацат етарли мицдорда олинган (даволаш) доза туцималарни, антибиотикларнинг даволовчи концентрциясини таъминлаиш мумкин. Антибиотиклар- нинг туцималардаги даволрвчи концентрциясини таъминлаш, уларни организмта такор, . бир неча кун, то кьсал .хайшш тузалпу-мча юбориб туриш шарт. Дйтилган даволаш: режимшш ва доралармга итoаТ цилмасдан иш-,

лйтилганда микробларнинг шу антибиотикка нисбатан чидамли шакллари пайдо булиши мумкин. Антибиотиклар купроц комплекс Шаклда ишлатилади. Бунда улар-нинг бнр-бирларига тугри мослашган таъсири намоён булиши керак. Масалан, пенициллин билан тетрациклин бир вацтда ишлат'илиши мумкин эмас, чунки уларнинг микроблрга таъсир этиш хусусияти бир-бирларига ца< рама-царши. Чорвачиликда айрим антибиотиклар цай« вонларнинг усиши ва рнвожланишини тёзлатиш, айрим касалликлардан профилактика цилиш, суткалик вазни» ни ошириш учун фойдаланилади. Лекин уларнинг ор« ганизмни стимуллаш хоссалари охиригача цали аниц-лангани.йуц.

Сульфаниламидлар. Бу группага стрептоцид, сульфадимезин, сульфантрол, сульфазин, сульгин, фталазол, этазол, норсульфазол, сульфацил-натрий, урОсульфай, фтазин, диесульформин ва бошцалар киради.

Ушбу препаратлар сульфанил кислота асосида синтез цилинган. Улар стрептококк, пневмококк, менингококк ичак таёцчаларига кучли бактериостатик таъсир цилади. Бу группага мансуб препаратлар микробларда фермент системасини издан чицаради, парааминобензой киолоталар-ва бошца озиц моддаларнинг туцималар томоЙ'йДан ШимилиШига тусцинлик цилади, микробларни ривБЖЛанЙ'шдан • цолдйради, цатто улимга олиб келади. 'Уларнинг 'сувдаги ^эрийди'ган хйллари (оц стрептоцид, сульфацил, сульфонтрол) ингичка ичакдаги ишцорий му^итда^-яхши ва тез шимилади, цон билан туцима х,у-жайраларйда • к*ера«лий' 1шцДорда т^планади, шунингдек, организмдан •цаМ' буй'рак орцали сийдик билан ажралиб чи'цади.' Сувда ёмои эрийдигаилари ичакдаги ишцорий м^йтда цисман парчаланадй, цон' ва бошца туцималар-гя/ Кам шимилади ва микробларга цам кучсиз таъсир цилади.

^' Сульфаниламид препаратларни ишлатганда уларнинг дозаси ва даволаш режимица цаттиц эътибор берилиши керак. Ишцорий мухитда яхши таъсир цилганлиги учун сульфаниламид препаратлари цайвонларга ' оғнЗ орцали бир неча кунгача, цатто уларни мол тузалгандан кейин цам кунига 3—4 марта берилади. Ушбу препаратлар антибиотик ва нитрофуранлар билан бирга ишлатилган- да янада яхшироц н'атижа беради.

Нитрофуранлар. Бу группага фурацилин, фуразоли-дон, фурадонин, фтазофур, фурагин ва бошцалар кира-

ли. Нитрофуранлар «учли бактериостатик ҳамда бактерицид хоссага эга. Нитрофуранлар микроблар томонидан кислороднинг узлаштирилишини бузади, цужайрадаги оксидланиб-цайтарилиш процессларини издам чицариш йули билан микробларни улимга олиб келади.

Бу препаратлар грамм мусбат ва грамм манфий микробларга, айрим замбуруглар, вирус ва содда цайвонларга кучли таъсир цилади. Улар цатто паст концентрацияда цам бижгиш, йирингли чириш процессларни тухтатиши мумкин. Яраларни даволаш учун фурацилиннинг 0,001, 0,002 процентли эритмаларидан фойдаланилади. Г'ш молларнинг ошцозон-ичак касалликларида ичиш учун буюрилади, сепсис ривожланган пайтда ушбу бишкма эритмалари венага юборилади.

Фитонцидлар. Булар таркибига усимликлардан олинган протоанемонин, натрий уснинат, иманин ва бошцалар кириб, узининг антимикроб таъсири билан антибиотикларга яцин туради. Улар организмда аскорбин кислотаси цосил бул ишини тезлаштиради, бу модда эса яллигланишга царши, таъсирлантирувчи ва жароҳатнинг тезроц битишига олиб келади. Ушбу моддаларни хазмни тезлаштириш, секрецияни кучайтириш, бугин, пай, йирингли касалликларда цулланиладн.

Кейинги йилларда мамлакатимизда иммунобиотехнологлар томонидан келиб чициши хар хил булган интерферон, моноклопал антитела ва гибридомалар олинмоцда. Уларни инфекция чацйрувчи микроорганизмларга, айницса цар хил вирусларга царши универсал химиотерапевтик восита сифатида кенг цулланилмоцда.

БУЁЦ ВА БОШЦА АНТИСЕПТИК МОДДАЛАР

Органик буёцли моддаларнинг микроб ва паразитарга царши цулланилиши цадимдан маълум булса, кейинги вацтларда уларга ухшаш таъсир циладиган буёцсиз моддалар >^ам топилиб, химиотерапевтикада цар хил юцумли ва юцумсиз касалликларни даволаш ва профилактика цилишда кенг цулланилмоцда.

Буёцли моддалар паразитар касалликларнинг чацйрувчисини тарацццётдан тухтатиб цуяди, уларда витаминлар, ДНК, РНК ва оцсил синтезини пасайтиради, ^ужайра мембранаси функцияларини бузади. Яллигла*

ниш, йирингли яра, жаро^атланиш, тери касалликлари ва бошца касалликларда антимикроб, цотирувчи, \имоя цилувчи, дезинфекцияловчи ва 'курутувчи таъсир курсатади.

Инсектицид ва акарицид моддалар. Купгина цашарог ва каналар юцумли касалликларнинг цузгатувчиларини тарцатади ёки узларЪ касаллик цузгайди. Уларни йуцотиш, касалликларга царши профилактик чора-тадбир-лар ии.^оятда мухим ацамиятга эгадир. Ушбу мацсадни амалга ошириш учун цашарот ва каналар учун жуда за.чарли, ^айвонлар учун кам зацарли буладиган химиявий бирикмалар куп цулланиладн. Х,ашаротларни йуц цилиш учун ишлатиладиган моддалар инсектицидлар. (лотинча insectum— цашарот, del — улдирмоц демак- дир), каналарни йуцотадиганлари эса акарицидлар (лотинча assagus — кана, cido — улдирмоц) ^деб аталади. Таъсири кенг, яъни цашарот; кана, цурт, замбуруг из микробларни улдирадиган моддаларни пестицидлар (pestis — офат, зиён, cid — улдирмоц) деб юритилади. Бу моддалар паразитларнинг оралиц формаларига (тухум, личинка) ва вояга етганларига цар хил таъсир цилади.

Уларнинг таъсир механизми турлича булиб, айримлари паразитларнинг хитин цопламасини емиради, бошцалари нафас ёки ^азм цилиш органлари функция-ларини бузади. Шундай цилиб, улар цашарот ва ка-» наларга курсатадиган таъсири эътиборга олинганда «контакт» йули билан таъсир циладиган, ичак орцали (энтерал) ва нафас органлари (фумигант) орцали таъсир циладиган хилларга булинади. Инсектицид ва ака-рицид моддаларни ташци му^итда, молхоналарда ва цайвон танасида цулланиладн.

Ташци муцитда кана ва цашаротларга царши дорилаганда самолёт, махсус аппарат ва жи^озланган ма*шиналар ёрдамида пуркалади. Молхоналарда эритма, аэрозол, суспензия ва эмульсия шаклида ишлатилади.

Хайвон таналарида ишлатилганда паразитнинг ту-рига ва зарарланиш даражасига цараб .^ар хил метод-лар цулланиладн. Молларнинг барчасини канага царши дорилаганда махсус ванналар, эритма, суспензия, дуст-Лар, ^амда линимент, мазлар цулланиладн.

Буца (овод) касаллигига царши оғнЗ орцали дорилаш ишлаб чицилган, учиб юривчи ^ашаротларга царши эса сув ва мойдаги эритмалар, сувдаги суспензиялар,

эмульсиялар, дустлар ва* боища дори шаклларида цул' лапплади. • • •

Авалроц куриб утилган феноллар, кислоталар, иш- цорлар, совунлар, формальдегид, скипидар, маргимуш уиумлари инсектицид ^амда акарицид таъсир килади. Ушбу булимда фосфорорганик, хлорорганик бирикмалар, карбамат уиумлари, олтингугурт ва келиб чициши рар хил булган препаратлар куриб чицилади.

Фосфорорганик бирикмалар (Фос). Бу группага хло- рофос, ДДВФ, карбофос, трихлорметафос-3, дибром, тролен, амидофослар кириб, ^ашарот ва кана организ- мидаги холинэстераза фермент-ини кескин пасайтириб юборади, бу эса уларни улимга олиб келади. Моллар ФОСлар билан захарланганда атропин группасидаги моддалар цулланиладн.

Хлорорганик бирикмалар (Хос). Буларга гексахло* ран, никохлоран, СК—'9, ТАП—85 каби моддалар ки* ради. Илгари улар жуда куп цулланилган, ammo орга- низмда узоц вацт тупланиб цолади ва ташци му^итда э^ам узоц вацт зарарсизланмайди. Шу сабабдан улар чекланган >^олда цулланиладн.

Карбамат унумлари. Карбаматларнинг рашарот ва каналарга' захарли таъсири ФОСларта жуда ухшаш бу* либ, улардан севин, дикрезил, ТМТДлар куп цуллани- лади.

Олтингугурт ва унинг унумлари. Бетеринарияда ол« тингугурт препаратларини а к а цжр ид, бактерицид, цури- тувчи, цичима . (цутир) га царши симоб ва . цургошин билан зарарланган антидот модда сифатида-. ^амда модда алмашишини, бронх безлари, перистальтикани кучайтириш, ревматизмни даволаш ва сутни купайтириш учун цулланиладн.

Олтингугурт препаратларидан олтингугурт, натрий тиосульфат, биэтилксантоген, олтингугурт ангидриди диццатга сазовордир.

У^ар хил химиявий группаларга кирадиган моддалар. Буларга диэтилтолуоламид, ТА1Ъ85, гексамид-Б, пире- тринлар. анабазин-сульфат каби моддалар киради. Бу моддаларни зктопаразитларга царши, акарицид, инсектицид, репеллент (рашаротни цурцитувчи), аттрактант (рашаротларни узига тортувчи) модда сифатида цул* ланилади.

Юцоридаги курсатилган инсектицид ва акарицид моддаларни цуллаганда албатта СССР ва Иттифоц рес-

публикалари агросаноат ветеринария бош бошқармаси тасдиқлаган инструкцияларда курсатилган қонун ва қоидаларга риоя қилиш шарт.

Фунгицид моддалар

Ҳар хил касаллик чақирувчи патоген замбуругларни элдириш учун қулланиладиган препаратларни фунгицид моддалар деб аталади. Маълумки, цорамолда, цуй, эчки ва бошқа молларда замбуруглар чақирадиган дер- матофитоз, дерматомикоз каби касалликлар куп учрайди. Ушбу касалликларни даволаш учун химиявий туз- лиши хар хил булган моддалар: аминокосфон, бенуцид, диҳаск, микосептин, бирхлорли йод, нитрофунгин, РОСК, ундецин, юглон, гризе фульвин, линимент, эмульсия, мазь каби дори шаклларида қунига 1—3 марта сурқа- лади.



Антигельминтик моддалар

Ҳайвон ва одам организмида паразитлик қилиб яшай- қидиган гельминтларни (қувалчангларни) улдирадиган ёки уларни организмдан ҳайдаб чиқариш учун қулланиладиган моддалар, антигельминт (грекча Helminthes — гижжа, қувалчанг) моддалар деб аталади.

Паразитлар, ҳайвонларнинг орган ва туцималарида зарарқунандалик қилиб яшаб қолмасдан, уни ҳайвонга қайтарилади. Улар ҳайвоннинг ҳисобига озиқланиб, озиқланиш- ни бузади, ҳайвон марсулдорлиги ва резистентлигини пасайтиради, бошқа касалликларнинг пайдо бўлишига йул очиб беради.

Гельминтозлар чақирувчиларнинг систематикасига қараб трематодоз, цестодоз, акантоцефалез ва нематодоз каби группаларга бўлинади ва ҳалқ ҳужалигига катта иқтисодий зиён етказади.

Антигельминт моддаларни уларнинг таъсирига қараб шартли равишда икки группага: 1) ичак гельминтозла- рига қарши, 2) ичакдан ташқаридаги гельминтларга қарши моддаларга бўлиш мумкин. -Бундан ташқари улар айрим гельминтлар ёки уларнинг бир группасига ралокатли таъсир қилади ва шунга қура улар асосий уч группага бўлинади: трематодларга қарши, цестод-

ларга царши ва нематодларга царши ишлатиладиган моддалар. Антигельминтлар химиявий тузилиши ва келиб чиқishi хар хил булган синтетик ва усимликлардан олинадиган дорилардан иборатдир.

Антигельминт моддаларнинг таъсир механизми цар хил булиб, энг асосийлари цуйидагилардир: а) хлор алмашилган углеводородлар (турт-хлорли углерод, туртхлорли этилен), паразитларнинг нерв системасини пасайтиради; б) сантонин, ФОСлар, ареколин, нафта- мон нерв импульслари утказишини бузади; в) гептилре- зорцин, дихлорофен, фенасаллар гельминт кутикуласи бутунлигини бузади, бу эса уларни улимга олиб келади; г) цирццулоц пустлоги паразит мускулатурасини фа-- лажлайди; д) фенотиазин, маргимуш, сурма, фтор препаратлари, кислород гельминтлар организмида фермен- татив процессларни бузади. Юцорндагилардан куруниб турибдики, антигельминт моддалар паразитларга ноцулай шароит яратиб, айримларини улимга олиб келади, иккинчи хилини карахтлайди ва учинчисини цаттиц цуз- гагади. Купгина антигельминтларнинг таъсир механизми розирча яхши урганилмаган. Яхши антигельминт модда паразитларга цариши фойдали, райвон учун за-^ харли таъсири кам, цулланилиши Осон рамда арзон булиши керак. Лекин бу талабларга тулиц жавоб бе- радиган моддалар жуда кам.

Гельминтларга царши кураш муайян план асосида, яхши уюштирилган >^олдз олиб борилиши лозим ва паразитларнинг >^ар хил тарацциёт босцичларида, дайкон организмидами ёки ташци му^итдами, уларни ^ар хил в.оситалар билан йуц цилишга царатйлгаи булиши керак.

Гельминтозларга царши кураш эпизоотияга царши килинадиган ишлар буйича давлат планига киритилб, тасдицланган маълум бир инструкция буйича утказк- лади.

Антигельминт моддалар хайвонларни гельмиитлар- дан даволаш ва касал молларни дегельминтизация цилиш, химиофилактика утказиш ва ташци му^итни ^ам дегельминтизациялаш учун ишлатилади. Дегельминтизация цилиш учун молларни аввал унга тайёрлаш лозим.

Ичакда жойлашган гельминтларга царши дори берилгандан кейин купинча сурги, яхсиси, туз сурги берилади, чунки у ралок булган, берушланган ёки- жойи*

дан кузгалган паразитларни, унинг қолдиқларини ва антигельминт модданинг қолдиқларини, улар қонга сурилмасдан олдин организмдан чиқариб ташлаш керак.

Антигельминт моддалар, уларнинг қайси гельминтозларга қарши ишлатилиши, дозалари ва қўллашнинг бошқа шарт-шароитлари ушбу китобнинг «Гельминтозлар» бўлимида келтирилган.

Дератизацияловчи. моддалар

Қишлоқ хужалиги зараркунандалари бўлган дала сичқонлари, каламуш, «кронцози» ва бошқаларни улдириш-учун қўлланиладиган химиявий моддаларни дератизацияловчи моддалар деб юритилади. Уларнинг келиб чиқиши ва зарарли таъсир механизми рақ хил. Айримлари худди антикоагулянтлар қаби (бактокумарин, дифенацин ёки ратиндан, зоокумарин) қон ивишини қучли қамайтиради, қон оқишини қучайтиради, бошқалари заҳарли (руқ фосфид) таъсирлайди; нафас аъзолари функциясини бузади (альфа нафтилтиомочевина, қрысид), заҳарли гликозидлари билан (денгиз пиёзи) кемирувчиларни улдиради. Уларни қупинча овқат билан (приманка) берилади, аммо бошқа моллар еб қўймаслиги қораларини қуриш керак.

ЮКУМСИЗ ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР ЮРАК-ҚОН

АЪЗОЛАРИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ

Травматик перикардит. Юрак халтасининг яллигла* ниши, перикард варақларининг шикастланиши, перикард бушлигида экссудат роснл булиши, юрак ишининг бузилиши ва гемодинамик узгаришлар билан характерланадиган касалликка *перикардит* дейилади. Перикардитлар узининг келиб чиқишига қараб икки гурпуага: травматик ва нотравматик перикардитларга булинади. Нотравматик перикардитлар баъзан иккиламчи плеврит, миокардит, пневмания, контагиоз плевропневмония ва бошқа шу сингари касалликларнинг асорати тариқасида пайдо булади. Травматик перикардит эса қорамолларда (қупроқ қуй ва эчки) бирламчи касаллик сифатида қуп учрайдиган юрак касаллигидир.

Этиология ва патогенези. Травматик перикардитнинг келаб чнқишига асосий сабаб цорамоллар ва кавш цай-> тарувчи бошца райвонлар озицланганда уни яхшилаб чайнамасдан ютадилар ва улар озицлар билан бирга уткир мих, темир булакчалари, симларни рам ютиб юборншлари мумкин. Булар айница кепак, ун, кунжа- ра, омихта озиц, майдаланган беда каби озицларда куп* роц учрайди. Шундай цилиб, ошцозонга тушган ёт жисмлар унинг деворини яралайди, тешиб утади, диаф- рагмани >^ам тешиб утиб, юрак халтасига санчилади. Перикард варацларининг шикастланиши ва ёт жисмга цушилиб катта цориндан утган микроблар билан туци- маларнинг инфекцияланиши, яллигланиши авж олишига с^баб булади. Яллигланиш перикард гиперемиясидан бошланади. Перикард варацлари шишиб чициб, инфиль- трланади ва дегенерацияга учрайди, некроз авж олади. Хосил буладиган яллигланиш экссудатининг табиатига цараб сероз, фибриноз, геморрагик ва йирингли перикардит тафовут цилинади. Юрак халтаси бушлигида экссудат (30—40 литрга етиши мумкин) тупланиши, яллигланиш ма^сулотлари, микроб токсинларининг булиши юрак асабларининг таъсирланишнга олиб келади. Унинг оцибатида юрак фаолияти тезлашади. Перикард бушлигидаги экссудат юракнинг одатдагича кенгайиб туришига тусцинлик цилади, натижада, юракдан арте- рияга отилиб чицадиган цон мицдори камайиб цолади. 1\он отилиб чицишининг камайиши аввалига юрак цис- царишининг тулицлиги билан цопланиб туради (компенсация). Айрим холларда юракка цуйиладиган томир- ларда кон димланиб цолади, декомпенсация пайдо булади. Травматик перикардитга экссудат йирингли, хлороз булгани учун райвоннинг арволн яна дам огирлаша- ди. Мана шу экссудатнинг сурилиши цаттиц захарла- нишга олиб келади.

Клиник белгилари. Перикардда яллигланиш бошла- нишидан аввал травматик ретикулитнинг клиник белгилари пайдо булади. Ет цисмлар турцориндан чициб кетиши билан бу органнинг шикастланиш белгилари сезилмай цолади-ю, лекин уша цисмларнинг перикард сии кукрак рамда цорин бушлигидаги бошца органларга (талоц, жигар, упкага) кириб цолишига боглиц бошца белгилар пайдо булади. Перикард шикастланиб, унда яллигланиш авж олса, райвон юрагининг ишида у"зга- ришлар руй беради. Касалликнинг энг характерли бел-

гиси юрак цисцаришининг тезлашувй (пульс минутига 90—120 марта уриб туради), перикардд'а юрак фаолия- тига мос келадиган ишчаланиш шовцинлари пайдо булишидир. Суюц экссуват >^осил булиши билан ишца- ланиш шовцини йуцолиб кетиши мумкин, лекйй чайца- лиш пайдо булади (юрак цисцариши туфайли суюцлик- нинг тебраниб туришидан). Юракнинг кенгайиб туриши цийинлашиб цолганлигидан веналарда цон димланади. Буйинтуруц веналарининг тулганига цараб буни яхши билса булади, аник йфодаланган перикардитда буйин- ■туруц веналари колбаса куринишига киради. Кукрак ости ва жар орасидаги бушлирларда шишлар пайдо бу- лади:

^айвонларнинг умумий а^воли орирлашади. Тана температураси (0,5—1° га) кутарилади. Иштахаси пасаяди ёки йуцолиб кетади, руминация сусаяди ёки булмайди. ^айвон тирсак думбоцларини кукрак цафасидан сал четга ёзиб туради, айница пастга цараб юрмас- ликка харакат цилади, тез-тез тухтайди, урнидан тур- гаида ва ётганда баъзан инграйди.

Диагнози. Дастлабки, бошланиш даврида касалликни аницлаш цийин. Лекин чайцалиш овози, турцорин **ва** юрак соцасида орриц пайдо булиши, шишларга цараб аницланади.

Даволаш. Касалликни даволаб булмайди. Шу муносабат билан уни уз вацтида аницлаб олиш муцим: дайкон бракка чицарилади, тана температураси нормал булиб турган пайтда суйишга буюрилади. Тана температураси кутарилиб турган булса, аввал температура па- сайгунча даволаш курси утказиш зарур. Шу Мацсада тери остига кофеин юборилади, камфора ишлатилмай- ди, бордию хайвон суйилса унинг хиди кетмайди.

Профилактикаси. Сочилувчи озиц билан цайвонга сим, мих, игна каби предметларни бермаслик керак.

Миокардит. Юрак мускулининг яллигланиши, ор§- лиц, яъни интерстициал туцимада (мускул толалари орасидаги туцимада) экссуватив-пролифератив процесс- лар авж олиши ва мускул толаларида (юрак паренхи- масида) дегенератив-некротик узгаришлар руй бериши билан характерланадиган касалликка миокардит дейилади.

Этиология **ва патогенези.** ^айвонларда миокардит- нинг келиб чицишини инфекцион-интоксикацион харак- терга эга касалликлар натижасида вужудга кел?ан

асорат, деб цараш керак. Ана -шундай касалликлар жумласига куйдирги, оксил, лерипневмония, контагиоз плев-» рапневмония, соцов, пероплазмидоз касалликлар (пироплезмоз, нутталиоз, лейшмониоз), септик ва септико-мнэмик процесслар) флегмопалар, некрозлар, эндомет* ритлар, упка гангренази, уткир интоксикациялар, фос« фор, хлор бирикмалари билан за^арланиш киради. Юрак мускулининг уткир яллигланиши гиперемия, ге-моррагиялар ва интерстициал туцимада серозли (.^у* жайрали) экссудат инфильтрацияси билан бошланади (экссудатив процесс). Экссудат тупланиб, яллигланиш хосил булиши юрак нервларининг таъсирланишига олиб келади, оцибатда органнинг цузкатувчанлиги кучайиб кетади. Гиперемия, шиш, оралиц туцимадаги хужайра инфильтрацияси юракнинг мускул толаларини босиб цуя-< ди ва уларда оцсил, ёгларнинг цайта синтезланиши де-генератив-некротик процессии келтириб чицаради.

Яллигланиш ва дегенератив процессларда мускул орасидаги туцимага лимфоцитлар, гранулоцитлар, гне-тиоцитлар ва фибриобластлар ^тади (инфильтрация), бириктиривчи туцима (пролифератив процесс) ^осил булади. Кейинчалик бу туцима цариб, чандицца айланади ва шундай цилиб, юрак фибрози (миокордофиброз) вужудга келади. Юракнинг турли цисмларида шу про- цессларнинг ^аммаси бир вацтда авж олмайди, шунинг учун ундан улган ^айвон жасади ёриб курилганда ор- гандаги узгаришлар бир хил булмайди. Юрак цисцариш хусусиятининг сусайиб цолиши катта ва кичик цон айланиш доирасида димланишга (гиперемия) боглиц ^о- дисаларни келтириб чицаради.

Клиник белгилари. Миокардит асосий касалликнинг асорати туфайли авж олганлиги учун унинг белгилари яширин ^олатда булиши ва фацат юракни синчиклаб текшириб курилганидагина уни аницлаш мумкин. Мио-кардитнинг утишида иккита даврни ажратади. Биринчи даври юрак цузгалувчанлигининг кучайиши билангина характерланади. Юрак тонларининг цаттиц, юрак зарби тациллайдиган, пульс тезлашган, куп тулишадиган, аммо пульс тулцини кичик булади. Уткир миокардит учун экстрасистолия пайдо булиб туриши характерли- дир.

Дегенератив процесслар авж олиб борадиган иккин-- чи даврда юракнинг цисцариш кучи сусайиб цолади, пульс камроц тулишуви, тулцинининг кичик булиши би->

